

# Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!

Mustaqillik huquq demakdir

# НШҚШҚ



O'ZBEKISTON  
RESPUBLIKASI BOSH  
PROKURATURASINING  
NASHRI

1997-yil 27-avgustdan chiqq boshlagan

www.huquq-gazeta.uz

2016-yil 25-avgust, №34 (1023)

Эътироф

Юракларда Ватан меҳри, истиқлол сурури жўш уриб турган дамларда кечаги кунимиз, Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида истибод кишанларининг қандай парчалаб ташланганлиги кўз ўнгимиздан ўтади. Оғир бир шароитда Ўзбекистон қандай қилиб мустақилликка эришганини ёши улғур юртошларимиз яхши эслайдилар.

## Халқ ишончини оқлаш — бурчимиз

Истиқлолга эришилганидан сўнг уни сақлаб қолиш, давлат олдида турган муаммоларни ҳал этиш, мамлакатни ҳар томонлама ривожлантириш осон бўлгани йўқ. Бундай пайтда давлат маълум бир мукамал режага, тараққиёт дастурларига эҳтиёж сезади. Шу боис, тарихан қисқа муддатда мамлакат Конституцияси ва бошқа тегишли қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Юртбошимиз томонидан Ўзбекистон тараққиётининг машҳур беш тамойили ишлаб чиқилди.

Ўтган йиллар мобайнида амалга оширилган ислохотлар туфайли бугунга келиб Ўзбекистон барқарор ривожланаётган, аҳолисининг турмуш фаровонлиги йил сайин юксалиб бораётган давлатга айланди. Жаҳон миқёсида 2008 йилги глобал молиявий-иқтисодий инқирознинг салбий таъсири ҳамон сезилиб турган бир шароитда, Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати кейинги бир неча йилда 8 фоиздан кам бўлмаётгани фикримизни тасдиқлайди.

Давлат ва жамият қурилишидаги янгиликлар, халқ турмушидаги ўзгаришларни Қорақалпоғистон Республикаси мисолида ҳам кўриш мумкин. Бугунги Қорақалпоғистон аввалгидан тубдан фарқ қилади. Марказий Осиёда ягона бўлган Кўнғирот сода заводи, Хўжайли шива заводи, Нукус мармар ва кабель заводлари ҳамда "Элтекс" каби замонавий ишлаб чиқариш объектлари, Қорақалпоғистон Жўқорги Кенгеси, Тошкент ахборот технологиялари университети Нукус филиалининг мухташ бинолари мустақиллик йилларида бу заминда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишларининг кўлами ҳақида етарлича маълумот беради.

Йўл қуриш, кўприк барпо

Икром ПАЛВАНОВ,  
Қорақалпоғистон  
Республикаси прокурори

этишга халқимиз энг савобли ишлардан бири, деб қарайди. 2000 йили Нукус шаҳрини Хўжайли тумани билан боғлайдиган улкан кўприк, 2001 йилда 345 километрни Нукус-Султонувайстоғ-Мискин-Учқудуқ-Тинчлик-Навоий темирийўлининг ишга туширилгани халқимиз дилидаги улкан бунёдкорлик бўлди. Нафақат халқимизнинг қувончи, балки жаҳон ахлининг ҳайратига ҳам сабаб бўлган объектлардан яна бири — умумий қиймати 4 млрд. АҚШ долларига тенг бўлган Устюрт газ-кимё мажмуасидир. 2015 йилда ишга туширилган мазкур мажмуада ҳозирда йилга 4,5 млрд. куб метр табиий газ қайта ишланмоқда.

Бу каби ютуқларга ўз-ўзидан эришилгани йўқ, албатта. Ҳаммаси узоқни кўзлаб юритилаётган сиёсат, пухта режа мевасидир. Одам қайси касбда ишлагани, қандай фаолият билан шуғуллангани, ўз вазифасини судқидилдан баҳариши орқали Ўзбекистон тараққиётига ҳисса қўшиши керак. Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси органлари ходимлари ҳам бундан мустасно эмас.

Мавриди келганда Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси органларининг 2016 йил биринчи ярмидаги фаолиятига қисқача тўхталиб ўтсак.

Бу даврада прокуратура органлари томонидан қонунлар ижроси юзасидан ўтказилган 633 та назорат тадбирлари натижасига кўра 3059 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди. 3682 нафар, шу жумладан, 752 та юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

/Давоми 3-бетда/

Ифтихор

## Олимпиадачиларимиздан байрамга муносиб совға

5-21 август кунлари Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида бўлиб ўтган олимпиада ўйинлари Ўзбекистон тарихида янги саҳифа очиб берди. Риода Ватанимиз шаънини ҳимоя қилишга бел боғлаган 70 нафар спортчимиздан 13 нафарининг кўксини тўрт йилликнинг энг нуфузли мусобақаси медаллари беэади.

Тўрт нафар спортчимизнинг галабаси эвазига байроғимиз энг юқори чўққига кўтарилиб, давлатимиз мадҳияси янгради. Ўзбекистон делегацияси яқинда 4 та олтин, 2 та кумуш, 7 та бронза, жами 13 та медал билан умумжамоа ҳисобида 207 давлат орасида 21-ўринни эгаллади.

Ўтган икки ҳафта давомида қаерга борманг, қайси даврага қўшилманг, ҳамма жойда ўзбекистонлик спортчиларнинг олимпиададаги аjoyиб иштироки муҳокамаси устидан чиққан мисозим росто. Дарҳақиқат, бу галги олимпиада



ёш-у қарини, эрақау аёлни беэътибор қолдирмади. Ўзбекистон номидан курашга чиққан ҳар бир вақилимиз ҳеч кимдан кам эмаслигини, кам ҳам бўлмаглигини исботлади. Айниқса, боксчиларимиз бутун дунёга Ўзбекистон ёшлари қандай кучга эга эканлигини кўрсатиб қўйинди. Эътибор қилинг, улар ҳақиқий ўзбек ўғлонлари, мустақиллик фарзандлари, истиқлол йилларида мамлакатимизнинг турли ҳудудларида таваллуд толиб, овоз ва обод Ватанда улғайган йигитлар.

/Давоми 11-бетда/

## Истиқлол шуқуҳи

Халқимиз энг улғур, энг муқаддас айём — истиқлолнинг йигирма беш йиллигини ўзгача шуқуҳ билан нишонламоқда. Зеро, тараққиётнинг ўзига хос ва ўзига мос йўлидан дадил илгариллаб бораётган мамлакатимиз барча соҳаларда беқийс ютуқларга эришяпти. Эзгу ният ва орзулар рўёбга чиқмоқда.

Собиқ тоталитар тузум неча минг йиллик тарихимиз, жаҳон цивилизациясига муносиб ҳисса қўшган буюк алломаларимиз ҳақида тўқсиз билимга эга бўлишдан маҳрум этган эди. Хорижда Ўзбекистонни билишмасди, тан олишмасди.

Мустақилликка эришган давлатимиз дунёда ўз мавқеини эгаллади. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамиятини барпо этишдан иборат тараққиёт йўлимизни белгилаб берди. Давлатимизни раҳбари илгари сурган, жаҳонда "Ўзбек модели" дея эътироф этилган тараққиёт йўли, босқичма-босқич амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида мамлакат иқтисодиёти барқарор равишда юксалмоқда. Иқтисодиёт ривожланиши баробарида фуқаролар фаровон ҳаёт кечирishiлари учун барча шарт-шароитлар яратилмоқда. Шаҳар ва қишлоқлик мисозим овоз ва кўркам бўлиб бормоқда. Юртимизда амалга ошири-

лаётган бунёдкорлик ишлари туфайли шаҳримиз обод ва кўркам бўлиб бормоқда. Қисқа вақт ичида оламшумул қурилиш-ободонлаштириш ишлари адо этилди. Янги барпо этилган 14,2 километрдан иборат кичик халқа йўли шаҳар марказида автомобиллар қатновига қулайлик яратди.

"Аэропорт", "Ал-Фарғоний", "Қувасой", "Алишер Навоий" ҳамда "Мустақиллик" кўчаларида реконструкция ишлари ниҳоясига етказилди. Автомобиль йўллари кенгайтирилиши баробарида кўчаларнинг икки юзидида эски турар жойлар, савдо-маиший хизмат бинолари, идоралар ўрнида замонавий, кўпқаватли, мухташам иморатлар қад ростлаб, шаҳар хуснини очиб юборди. Қайтадан экиб парвариланаётган ноёб манзарали дарахтлар буй кўрсата бошлади. Шаҳар ичидан ўтган Марғилонсойнинг 5,8 километрни қисмида 12 та кўприк

янгидан қурилди ҳамда реконструкция қилинди. Қоплама ётқизилган, панжаралар ўрнатилган, пидедалар йўлакчалари, ёритиш тизими барпо этилган сой ўзани фуқункор тусга кирди. "Фарғона-Кўкун" йўналишига хизмат қиладиган "Ермозор" автошоҳбехати фойдаланишга топширилди. Шунингдек, "АТС Универсал" МЧЖ ҳудудида 40 та автомашинага мўлжалланган автокемпинг барпо этилиши, 120 та "Исузу" русумли янги автобуслар қатнови йўлга қўйилиши баробарида шаҳар аҳлига автотранспорт хизмати кўрсатиш тубдан яхшиланди.

"Фарғона халқаро аэропорти"нинг йўловчилар терминали биноси реконструкция қилинди. Расмий делегацияларни қабул қилиш биноси янгидан қуриб фойдаланишга топширилди. Аэропортнинг ёқилиш-мойлаш омбори бошқа жойга кўчирилиб, унинг ўрнида спорт майдончалари, кўнгилочлар жойлар ташкил этилиб кўқаламзорлаштирилди. "Автотеххизмат" МЧЖнинг маъмурий биноси ва кўрғазма зали янгидан барпо этилди. Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи қошида янги "Спорт мажмуаси" қуриб битказилди.

/Давоми 3-бетда/

Шиддат билан ўзгариб бораётган бугунги таҳдиқали замонада чегара билмас маънавий таҳдидлар, диний экстремизм ва терроризм балоси ҳар сонияда бизни оғоҳ бўлиб яшашига ундайди. Бу ҳар биримиздан катта жонбозлик ва юқори савияда фаолият кўрсатишни талаб этади.

**З**еро, дунё ва минтақамизда юз бераётган курали тўқнашувлар, мождарлар ва бекорор сувий вазиятдан тўғри хулоса чиқариб, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва фаровонликнинг қадрига етиш, Ватан тақдирига дахлдорлик ҳисси билан оғоҳ бўлиб яшаш, тинчлигимизни турли хавф-хатарлардан ҳимоя қилиш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Шу муносабат билан ҳарбий прокуратура органлари томонидан республикамизнинг чегарадоли ҳудудларида яшовчи аҳоли ўртасида давлат чегараси тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, янги қабил қилинган қонунлар, шунингдек, мустақиллик йилларида юртимизда амалга оширилган ислохотларнинг мазмун-моҳи-

ятини тушунтириш, оғоҳлик ва ҳушёрликни ошириш масалаларига бағишланган тарғиб тадбирларини ўтказиш ишлари янада жадаллаштирилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси, Миллий хавфсизлик хизмати, МХХ Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи кўмитаси, Бўстонлик туман ҳокимлиги ва туман ички ишлар бўлими ҳамкорлигида Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманидаги "Испай" кишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи аҳоли билан "Тинчлик — бебаҳо неъмат" мавзусида тадбир ўтказилди.

Кишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, фаоллари, ўқитувчилар, туман ҳокимлиги ва ички ишлар идоралари вакиллари, Чегара қўшинлари тизимидаги ҳарбий қисмлар офицерлари катнашган мазкур тадбирда "Ўзбекистон Республикасининг

Давлат чегараси тўғрисида" - ги Қонунда белгиланган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг ҳамда фуқароларнинг давлат чегарасини ҳимоя қилиш ва қўриқлашдаги иштироки масалаларига тўхталиб ўтилди.

Таъкидланганидек, фуқаролар чегара қўшинларига кўмаклашувчи отрядлар таркибида ва бошқа шаклларда чегарадоли ҳудуди доирасида давлат чегарасини ҳимоя қилиш ва қўриқлашда иштирок этадилар. Бунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхона, муассаса ва ташкилотлар давлат чегарасини ҳимоя қилиш ва қўриқлашда фуқароларнинг иштироки этишлари учун шароит яратилади, чегара қўшинларига, Ҳаво ҳужумига қарши мудофиа қўшинларига, шунингдек, давлат чегарасида назоратни амалга оширувчи давлат бошқарув

органларига кўмаклашди ва уларга зарур ахборотларни тақдим этади.

Иштирокчиларга шунингдек, диний экстремизм ва терроризм таҳдиқи, уларга қарши курашишда асосий маънавият ва ҳуқуқий маданиятнинг аҳамияти, мамлакатимизда терроризм ва диний экстремизмга қарши курашиш борасида олиб борилаётган чора-тадбирлар, терроризм ва диний экстремизм билан боғлиқ жинойятлар учун жилавий жавобгарлик асослари, оғоҳлик ва ҳушёрликни ошириш бўйича атрафлика тушунтиришлар берилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йилгирма беш йиллик байрамга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш тўғрисида" ги Қарорида келтириб ўтилган масалаларга ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди. Хусусан, маърузачилар томони-

**Сандобид ЖУРАЕВ,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Ҳарбий прокуратурининг  
матбуот хизмати бўйича  
катта ёрдамчиси

дан мамлакатимиз тарихида янги саҳифа очган мустақиллигимизнинг 25 йиллигини муносиб қутиб олиш, ўтган давр мобайнида она юртимиз, барча вилоят, шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфаси тобора гўзал бўлиб бораётганини, шу замонада яшаётган инсонларнинг қайфиятини, бугунги ҳаётдан розилигини, эртанги кунга ишончини, барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг қўламли ишларимизнинг моҳияти ва аҳамиятини юртимиз ва жаҳон жамоатчилигига етказиш, ватандошларимизни янги марралар сари руҳлантириш мақсадида амалга оширилиши керак бўлган устувор йўналишлар ҳақида сўз юритилди.

Гулмира Самарқанд шаҳридаги коллежаларнинг бирида ўқийди. — Қизим, ёнимга кел, — деди шаҳардан уйига қайтган Гулмирани ёнига чақирган онаси. — Ўқийинг ҳам тугай деб қолади. Қулаалар "ўқиши тугагандан кейин тўғри ўтказамиз", деб ҳолимизга қўйишмаяпти. Шу сабаб сарполарни тезроқ тайёрла-масак бўлмайди.

## Чегарадан ноқонуний ўтиб...

**Садриддин ЁРМАМАТОВ,**  
Самарқанд транспорт прокуратураси терговчиси

— Ахир қандай қилиб, ойижон?! Ҳали бирорта нарса олганим йўқ. Шунча нарсанга пулни қаердан оламиз? — деди Гулмира. — Мен ҳам шу ҳақда роса ўйладим, қўшинлар билан маслаҳатлашдим, — деди она. — Қўшинларнинг айтишича, Қозоғистоннинг Чимкент шаҳридаги "Самал" бозорида кийим-кечак роса арзон эмиш. Бу ердаги битта қўйлакнинг пулига у ерда учта қўйлак олса бўлармиш. Ўша бозорга бориб, кийим-кечак олиб келамиз. Тайёргарлигини кўр.

Шу гап бўлди-ю, она-бола йўлга отланишди. Йўловчи машинада Тошкент вилоятининг Зангиота туманига боришди. У ердан "Гишткўприк" чегара маскани орқали қонун-қоидага риоя қилган ҳолда Қозоғистон Республикасига ўтиб кетишди. "Самал" бозорига бориб, керакли буюмларни харид қилишди. "Энди уйга қайтамиз", деб туришганда Гулмира: "Ойижон, сумка қани? Уни қаерга қўйдик?", деб олди.

— Билмасам, қўлингда олиб юргандинг-ку, қаерга қўйгандинг? — деди онаси жигибийрони чиқиб. — Эҳтиёт бўлсанг бўлмай-дими?

Хуллас, у ёққа югуришди, бу ёққа югуришди, сумка топилмади. Энг ёмони, сумкада Гулмиранинг фуқаролик паспорти бор эди.

"Энди чегарадан қандай ўтамиз?" Иккаласини ҳам шу савол қийнади. Кимдир "Милицияга хабар беришимиз", деса, яна кимдир "Элчинонага мурожаат қилиш керак", деди. Нима қилишни билмай қолган она-бола "Чегарага борайлик-чи, бир гап бўлар", дея чегара постига келишди. Онаси чегарачиларга бўлган ҳолатни тушунтириш учун кетганида, Гулмиранинг ёнига Бек исмли қозоқ йигит келди.

— Аҳволнигиздан хабарим бор, — деди Бек. — Онангиз бу ишни ҳал қилмайди. Чегарачилар сизни қамаб қўяди.

Унинг гапларидан Гулмира ваҳимага туша бошлади. — Хохласангиз сизга ёрдам қилишим мумкин, — деди у сирли оҳангда. — 100 доллар берсангиз, сизни чегарадан ўтказиб қўяман.

Шундан сўнг Гулмира Бекнинг ёрдами билан шу ердан ўтувчи поезд вагонларининг бирига чиқиб олди.

— Ана энди сизни вагон ичидан ҳеч ким тополмайди. Юртингизга боргандан кейин вагондан чиқиб, жуфтакни ростлаб қолсангиз, — деди уни қўзатиб қўйган Бек.

Аммо улар ўйлаганичаки бўлмади. Поезд Ўзбекистон Республикасининг чегара масканига келган вақтда чегара назорати ходимлари уни ушлаб, ноқонуний равишда Ўзбекистон Республикасига кириб келганини юзасидан ҳужжат расмийлаштиришди.

Мазкур жинойт ишни қўриб чиққан суд Гулмира Зиядуллаевани 3 йил муддатга озодликдан маҳрум этди. Аммо унинг биринчи бор судланаётгани, қилмишидан чин қўнғилдан пушаймонлиги ва бошқа енглиштирувчи ҳолатлари инобатга олиб, ЖКнинг 72-моддасини қўллаган ҳолда 1 йил синов муддати белгилди.

## «Менга имкон бердинг, Ватан!»

2016 йил 17 август кун Бухоро вилоят му-сиқали драма театрида Ватанимиз мустақил-лигининг 25 йиллиги муносабати билан "Гўзал ва бетакорримсан, муқаллас Ва-таним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шюри остида "Менга ихом, менга имкон бердинг, Ватан!" мавзусида ўқувчи-ёшлар ижодиёт фестивали бўлиб ўтди.

**Ф**естивал Бухоро вилоят ҳокимлиги, вилоят прокуратураси ҳамда халқ таълими, маданият ва спорт ишлар-и бошқармалари билан ҳамкорликда ташкил қилинди.

Тадбирда минг нафардан ортиқ ўқувчи-ёшлар иштирок этди.

Фестивалдан қўзаланган асосий мақсад ўқувчи-ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил қилиш, уларни касб-хунарга йўналти-риш, мактабдан ташқари таълимдан олган били-м, кўникма ва малакаларини шакллантириш, шу билан бирга, мустақиллигининг 25 йиллиги-

**Дилноза КАНДАХОРОВА,**  
Бухоро вилоят прокуратурининг  
матбуот хизмати бўйича катта ёрдамчиси

ни тантанали нишонлашдир.

Фестивал дастури доирасида "Баркамол авлод" болалар марказлари ва муסיқа ва санъ-ат мактаблари тарбияланувчиларининг ижоди-ёт кўргазмаси намойиш этилди. Шу билан бир-га, фестивалда видеоорлик намойиш этилиб, унда бўш вақтини компьютер олдида ўтказиб, бузғунчи гоълар таъсирига тушиб қолган ёшлар-нинг тақдирини ҳамда фан, касб-хунар сирлари-ни пухта эгалаб, юртимиз байрогини кўклар-га кўтарайотган иқтидорли келажак эгаларининг ҳаёти таққосланди.

Тадбир якунида вилоятда ўтказилган фанлар бўйича билимлар беллашуви ғолиблари, "Бар-камол авлод" болалар марказларининг иқти-дорли ва фаол аъзоларидан 35 нафари танта-нали равишда фахрий ёрлик ва эсдалик совға-лари билан тақдирландилар.

## «Ўзбошимча» тадбиркор

Бугун кичик бизнес, тадбиркорлик ва ишби-лармонлик ҳаракатига кенг йўл бериш дав-лат сиёсати даражасига олиб чиқилган. Мақ-сад — халқ фаровонлиги ва юрт тараққиёти-ни таъминлаш.

**Б**унда бизнес вакилларида талаб эти-ладиган ягона омил эса ҳалоллик ҳисоб-ланади. Қолаверса, ҳалол лўма нафа-қат ушбу соҳа вакиллари, балки барча инсон-ларнинг бирини икки қилувчи, оиласига тўкин-лик, рўзгорига файзу баракча ёғдирувчи, энг му-ҳими, юзани ёруғ қилувчи неъмат саналади. Шун-дай экан, қайси соҳада фаолият кўрсатмайлик, қонуларни ҳурмат қилиш ва уларга итоат этиш биз учун бун му мезон бўлиши керак.

Аммо давлатимиз томонидан тадбиркорлар учун яратиб қўйилган кенг имкониятлардан фойдаланиш ўрнига, амалдаги қонуларни меъсимасдан, ўзбошимчилик ва қингир йўллар билан чўнтагини қаппайтириш, ҳақалак отган нафсини қондириш пайида бўлаётган қимса-лар ҳам афсуски, орамизда йўқ эмас.


Ҳалолликни бир четга суриб, фаолият олиб борган романтикани яққа тартибдаги тадбиркор Шоқир Рустамовнинг (исм-фамилиялар ўзгарти-рилган) қадами ўзини қора курси томон еткла-ди. Бу шахс тегишли жойдан яққа тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтди. Бироқ у четдан юртимизга импорт маҳсулотлар олиб ке-лишга ҳақли эмасди. Боиси, ушбу жараённинг ҳам ўзига яраша қондалари бўлиб, соҳага оид қонун ҳужжатларига кўра, ушбу фаолият билан шуғулланиш учун тегишли тартибда рўйхатдан ўтиш талаб этилади.

**Умид САДИЛЛОВ,**  
СВОЖЖДЛҚК департаментининг  
Ромитан туман бўлими бошлиғи

Ш.Рустамов била туриб, бунга қўл силта-ди ва турли йўллар билан 452 минг 130 АҚШ долларни тўплаб, уни банк муассасаларининг халқаро пул ўтказмалари орқали Россия Фе-дерацияси ҳамда Қозоғистон Республикала-ридаги терговда шахсини аниқлашнинг им-кони бўлмаган шахсларнинг номига ўтказди. Улардан 2015 йилнинг сентябрь ойидан 2016 йилнинг март ойига қадар ёғоч ва ун со-тиб олади. Ш.Рустамов ушбу ҳаракати билан кўп миқдордаги валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ва ўтказиш жи-ноятини содир этди.

Бу қимса республикамиз ҳудудига олиб ки-рилган 2 млрд. 672 млн. 277 минг сўмлик ёғоч ҳамда 137 млн. 700 минг сўмлик биринчи нав уни турли бозорларда ва аҳоли яшаш пункт-ларида нақд пулга сотиб юборади. Савдодан тушган пулдан 1 млрд. 690 млн. 37 минг сўми-ни банк муассасасига топширади. Қолган маб-лағларини эса бошқа мақсадларда ишлатиб юбориб, юртимиздаги савдо ва хизмат кўрсати-ш қондаларини бузди.

Қонунбузарлик жавобгарликка сабаб бўла-ди. СВОЖЖДЛҚК департаментининг Ромитан туман бўлими ходимлари томонидан олиб бо-рилган суриштирув жараёнида Ш.Рустамовнинг қонунларимизга хилоф ишлари фож этилди. Суд унга нисбатан энг кам иш ҳақининг 120 ба-робари миқдорда жарима жазоси тайинлаб, ҳукм чиқарди.



## Халқ ишончини оқлаш — бурчимиз

[Давоми. Бошланиши 1-бетда]

Протест келтириш йўли билан 771 та ноқонуний ҳуқуқий хужжат қонунга мувофиқлаштирилди ёки бекор қилинди. 533 дан орტიқ тақдирнома киритиш йўли билан аниқланган қонун бузилишлари бартараф этиш ва уларнинг олдини олиш чоралари кўрилди. 1729 нафар шахс интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилди. Етказилган 3,7 млрд. сўмлик зарарни ундириш ҳақида судларга 1055 та даъво ариза-си киритилди.

Қонунларни қўпол равишда бузиш ҳолатлари бўйича 168 та жиноят иши кўзгатилиб, прокурор назорати ва жиноят ишларининг тергов жараёнида аниқланган 6,1 млрд. сўмлик зарар ундирилди.

Маълумки, аҳолининг иш билан таъминланганлиги қўлба муаммоларнинг олдини олишда, айниқса, жиноятчиликка қарши курашишда муҳим аҳамият касб этади. Шу боис, масъул вазирилик ва давлат идоралари билан ҳамкорликда янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли, шу жумладан, коллеж битирувчиларнинг бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Ҳисобот даврида мақсадли дастурларга биноан 22 минг 355 та янги иш ўрни яратилиш режалаштирилган бўлса, амалда 22 минг 526 та янги иш ўрни яратилиши таъминланди.

Шу билан бирга, айрим ҳолатларда йўқ иш ўринлари ҳисоботларга қўшиб ёзилгани аниқланиб, қонунбузарларга нисбатан қонуний чоралар кўрилмоқда. Масалан, Қораўзақ туманида фаолият кўрсатувчи 55 та корхона ва ташкилотда ҳақиқатда ташкил этилган 128 та иш ўрни яратилганлиги ҳақидаги сохта маълумотларни ҳисоботга киритиб, туман аҳолисининг иш билан бандлиги кўрсатилгани сунъий равишда оширмақчи бўлган туман Бандликка қўмақлашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази бошлиғи Б.Бекмуратов ва иқтисодий бўлими бошлиғи А.Жўлдасбаевларга нисбатан тегишли маъмурий жавобгарлик чоралари кўрилди.

Республикада биринчи даражали тўловлар, яъни иш ҳақи, пенсия ва нафақаларнинг ўз вақтида берилиши алоҳида назоратга олинган. Аниқланган ҳар бир қонун бузилишига нисбатан ҳуқуқий муносабат билдирилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 августдаги "Банклардаги депозит ҳисобварақлардан нақд пул тўловларини узлуксиз таъминлаш кафолатлари тўғрисида"ги Қарорига қўра, банклар аҳоли ва ҳўжалик юритувчи субъектларга нақд пуллари уларнинг биринчи талаби бўйича чековсиз бериши лозимлиги белгиланган бўлса-да, баъзи банкларнинг мансабдор шахслари 17 ҳолатда бюджетдан молиялаштирилмаган корхона ва муассасалар ходимларининг иш ҳақларини беришни асоссиз равишда кечиктирилганлиги аниқланиб, уларга нисбатан тегишли ҳуқуқий чоралар кўрилди.


Шунингдек, коммунал тўловларни ундириш борасида Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДҚК департамен-

тининг Кегайли туман бўлими ходимлари томонидан ўтказилган текширишда туман электр тармоқлари корхона-си мансабдорлари ўзaro жиноий тил бириктириб, 2015 йил давомида аҳолидан электр энергияси учун келиб тушган 49,2 млн. сўм пул тўланганлиги ҳақида "Электрхисоб" дастурига сохта маълумотлар киритиб, бу пуллари ўз эътиёжлари учун ишлатиб, 2016 йил 29 май куни 40,5 млн. сўмини тўлашган, қолган 8,7 млн. сўмини ўзлаштириб юборишган. Ушбу ҳолат юзасидан ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят иши кўзгатилиб, айбдорларга нисбатан тегишли чоралар кўрилди.

Бундан ташқари, тадбиркорлик субъектларининг мурожаатларини кўриб чиқишга ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш чоралари кўрилмоқда. Республика прокуратураси органлари га жорий йилнинг ўтган даврида тадбиркорлик субъектларидан жами 145 та мурожаат тушган бўлиб, шундан 136 таси бевосита прокуратура органлари га ҳал қилинган. Мурожаатларнинг 66 таси қаноатлантирилиб, 70 таси бўйича ҳуқуқий тушунтиришлар берилган. Масалан, "Абдибек-Тахта" МЧЖ бош ҳисобчиси Т.Казбеков банкдан тўлов терминали берилмаётгани ҳақида шикоят қилган. Прокуратуранинг аралашуви билан МЧЖ тўлов терминали билан таъминланди ҳамда банк филиали ва жамият ўртасида тўлов терминалини ижарага бериш тўғрисида шартнома тўзилди.

Шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг прокуратура органлари га ташкил этилган ишонч телефонлари га қилган мурожаатлари асосида уларга банклардан 650 млн. сўмдан ортиқ кредит олишига ёрдам берилди.

Юқорида билдирилган фикрларга ҳулоса сифатида шуну айтиш керакки, прокуратура органлари жойларда қонун устуворлигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши курашиш, аҳолининг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш йўлида самарали фаолият олиб бораёпти. Одамлар прокуратурага ўз ҳақ-ҳуқуқларининг ишончли ҳимоячиси сифатида қарамқодалар.



## Истиқлол шуқуқи

[Давоми. Бошланиши 1-бетда]

"Қувасой", "Б.Марғиной", "Фаробий", "Маърифат" ва "Аэропорт" кўчаларидаги бузилган эски уй-жойлар, шунингдек, собиқ "Фуран кимё бирикмалари" ва "Газ аппаратлари" заводларининг бино-иншоотлари ўрнида 70 дан зиёд кўпқаватли турар жой бинолари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бундан ташқари, 200 дан ортиқ кўпқаватли уй-жойларнинг фасад қисмлари, томлари тўлиқ таъмирланди. 70 дан зиёд болалар майдончалари замонавий талаблар асосида жиҳозланди. 30 дан ортиқ замонавий кўпқаватли савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари қуриб битказилди. "Б.Марғиной" кўчасида замонавий китоб дўкони қад ростлади. "Болалар дунёси" савдо мажмуаси қурилиши ниҳоятсига етказилмоқда.

Мақтаблар, мактабгача таълим муассасалари, "Дельфин" ёпиқ бассейни мукамал таъмирланди. 3 та болалар боччаси, 4 та мактабда спорт зали мажмуалари, 2 та ёпиқ сузиш сув ҳавзалари қурилиб, фойдаланишга топширилди.

9 та касб-ҳунар коллежи ва академик лицейлар, Фарғона давлат университети, Политехника институтининг ўқув бинолари, маъмурий бинолари, талабалар ётоқхоналари, ошхоналари мукамал таъмирланди. Мустақиллик кўчасидаги "Ёшлар маркази" реконструкция қилинди. Собиқ "Нефчи" стадиони негизда Фарғона Давлат университетининг ёпиқ сув ҳавзаси, гимнастика зали, футбол майдонини ўз ичига олган спорт мажмуаси барпо этилди.

20 минг ўринли "Истиқлол" стадиони қурилиб, фойдаланишга топширилди. Футбол майдонига элтувчи кўшимча иккита янги йўл қурилди. Стадион ёнида барпо этилган "Футбол мактаби" фаолият юрета бошлади.

Экологик зарарли бўлган ва аҳоли саломатлигига салбий таъсир кўрсатувчи "Энергомарказ", "Фарғонаёғмай", "Фуран бирикмалари заводи", "Фарғона газ аппарати" каби корхоналар шахардан ташқарига кўчирилди. Уларнинг ўрнида кўпқаватли уйлар, ижтимоий-иқтисодий инфратузилма объектлари, шаҳар ҳокимлиги биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Давлатимиз раҳбарининг қарорига белгиланган вазифаларнинг амалга оширилиши натижасида шаҳарнинг меъморий қиёфаси тубдан янгиланди, шаҳардаги экологик ҳалқ яшилди. Шаҳарнинг янгидан барпо этилган маъмурий-маданий маркази дилларни яшнатди. Мухташам Санъат саройи, ёзги амфитеатр реконструкция қилинган "Ал-Фарғоний" номли маданият ва истироҳат боғи, боғда қурилган "Қўғирчоқ театри", шаҳар марказида, қорраҳларда барпо этилган ёриткичли мусиқали фавворалар, замонавий аттракционлар ўрнатилиб, мусайёмок ва яхна ичимликлар кафелари, совғалар дўкони қурилган Болалар боғи, Киргули мавзесида барпо этилган "Кимёгар" болалар парки каби сайлгоҳларда шаҳар аҳоли фарзандлари билан мириқиб хордиқ чиқармоқда. Энг улуг, энг азиз сана арафасида ушбу сайлгоҳларда Мустақиллик оқшомали ташкил этилмоқда. Киёло йўқ юртимизни, тинч-тову, сержило ҳаётимизни тараннум этувчи тадбирлар ташкил этилмоқда, куй-қўшиқлар дилларни яйратмоқда.

Қурилиш ва ободончилик ишлари га қонунлар билан кафолатланган ҳуқуқларини тасарруф этаётган тадбиркорлар билвосита ва бевосита ўз ҳиссаларини қўшиммоқда. Ишлаб чиқариш, савдо-хизмат кўрсатишни кенг йўлга қўйишмоқда. Хусусан, ноль қийматда берилган бўш турган бинода тадбиркор И.Каримбердиев раҳбарлигида "Азия униформ Текс" МЧЖ ташкил қилиниб, 55 та иш ўринлари яратилган. Асосан коллеж битирувчилари ишга қабул қилинган. Ўтган йили ишлаб чиқарилган 128,4 млн сўм, жорий йил биринчи чорагида 115 млн. сўм

Одилжон ХУДОЙБЕРДИЕВ,  
Фарғона шаҳар прокурори

миқдоридидаги маҳсулот хорижга экспорт қилинган.

Мамлакат ялпи ички маҳсулотидида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши тобора ортиб бормоқда. Шаҳримизда 5000 дан зиёд кичик корхона ва микрофирмалар, яқка тартибда тадбиркорлар фаолият юритишмоқда. Иш билан банд аҳолининг 46 фоизи ушбу соҳада ишламоқда. Жорий йилнинг биринчи ярмида 140 та кичик бизнес субъектлари ташкил этилиб, 38 та тадбиркорлик субъектлари прокуратура кўмагида фаолиятларини йўлга қўйишди.

Шаҳар прокуратураси томонидан Президентиимизнинг "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижроси таҳлил қилиб борилмоқда. Ушбу фармон ижроси бўйича 75 та прокурор назорати хужжатлари қўлланилди. 180 та тадбиркорлик субъектларига амалий ёрдам қўрсатилди. Хусусан, тадбиркор Ф.Ҳайдаровага қуриб битказилган савдо дўкони ни фойдаланишга қабул қилиш, А.Матқаримовага савдо ва маиший хизмат кўрсатиш бинолари қуриш юзасидан тегишли ҳулоса беришининг қонунда белгиланган мuddатларига амал қилмаган шаҳар Давлат санитария назорати маркази бош ҳақими маъмурий жавобгарликка тортилди.

Тадбиркорларга қурилиш учун еражратиш, муҳандислик-коммуникация тармоқлари га уланиш, кредит олиш каби муаммоларни ҳал этишда амалий ёрдам кўрсатилмоқда. Жумладан, прокуратура ёрдами билан фуқаро Қ.Қондиновга мусайёмок ва салкин ичимликлар шохобчаси ҳамда автотураргоҳ қуриш учун тендерда ютиб олган ер майдонига ҳокимнинг қарори чиқарилиши таъминланди. 20 нафар тадбиркорга 320 млн. сўмлик кредит олиб берилди. Жумладан, "Зоовет фарми" корхонасига 60 млн. сўм, яқка тартибдаги тадбиркор Дилафрўз Мадаминовага 24 млн. сўм кредит ажратилди. 25 нафар тадбиркорга прокуратура ёрдами билан муҳандислик-коммуникация тармоқлари га уланиш учун техник шартлар топширилиши таъминланди.

Тадбиркорларнинг эркин фаолият юритишлари учун қулай шарт-шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонунга киритилган ўзгариш ва қўшимчалар қонун ҳужжатлари га тадбиркорлик субъектлари учун назарда тутилган имтиёз ва преференциялардан фойдаланиш тартибини тақомиллаштирди. Интерактив давлат хизматлари ягона порталда тадбиркорлик субъектлари учун имтиёзлар ва преференцияларнинг ягона реестри яратилиши тадбиркорларнинг соҳадаги ўзгариш ва имтиёзлардан ўз вақтида хабардор бўлишлари га имкон беради.

Қонун ҳужжатлари га киритилган ўзгариш ва қўшимчалар суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишда баробарида тадбиркорлик фаолияти йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга, пировард натижада қулай ишбилармонлик муҳитини яратишда мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Истиқлол Конституциясида мустаҳкам қўйилган мулкдорлик ҳуқуқи, шунга мувофиқ хусусий мулк, хусусий тадбиркорликнинг қўллаб-қувватлаши ва ишончли ҳимояга олиниши, барча соҳаларда изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар ўз самарасини бермоқда. Иқтисодий ривожланиб, ҳаётимиз фаровон бўлиб бормоқда.

# Мустақиллигимизнинг мустақкам қонунчилик асоси

Саоқат кунлардан сўнг халқимиз Ватанимизнинг кўп асрлик шонли тарихида мутлақо янги давлат, янги жамият барпо этиш йўлини очиб берган буюк тарихий воқеа — Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 25 йиллигини муносиб нишонлайди. Бундан йигирма беш йил муқаддам юртимизда мустақкам зулми ва қарамлик даврига барҳам бериб, асрлар давомида халқимиз интилиб келган эркин ва озод ҳаёт куриш йўлида тарихий тараққиётнинг янги босқичига қадам қўйди.



Мустақилликка эришиш учун қанчадан-қанча қурбонлар берилганлиги, қандай қийин босқичлардан ўтилганлиги халқимиз учун сир эмас, албатта. Бунинг ёрқин далиллари ва мисолларини Президент Ислам Каримовнинг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида" деб номланган китобида келтирилган фактлардан билиб олишимиз мумкин.

1989 йилнинг ўрталарида КПСС Марказий Комитети, совет ҳукумати томонидан Ўзбекистонга нисбатан қатагон сиёсати янги босқичда давом эттирилиб, "пахта иши", "ўзбеклар иши" деб ном олган сиёсий кампаниялар авж олган, собиқ марказдан юборилган, эл-юртимиз ўртасида "десантчилар" деб ном олган гуруҳлар томонидан қанча-қанча беғуноҳ инсонлар, бутун-бутун оилалар тазийқ ва таъқибларга учраган, тасаввур этиш ҳам қийин бўлган ғоят оғир ва таҳликали бир вазиятда Ўзбекистон раҳбари сифатида иш бошлаган Ислам Каримов мамлакатимизни чуқур инқироздан олиб чиқиш учун уни қатъият ва матонат билан истиқлол сари бошлади. Шу давр мобайнида ўлкаимизда рўй берган Фаргона, Гулистон, Бўка, Ўш, Наманган воқеалари пайтида, тарихда "ГКЧП" деб ном олган, СССР давлатининг сўнгги кунларида бир гуруҳ империяпараст кучлар томонидан амалга оширилган сиёсий тўнтариш чоғида ва бошқа шу каби ўта кескин вазиятларда Юртбошимиз Ислам Каримов ажааб ягона тўғри йўлни топа билиб, халқимизнинг тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлаш учун кеча-ю кундуз тинимсиз, машаққатли фаолият олиб борди. Ана шундай оғир бир шароитда Юртбошимиз томонидан халқимиз қалбидаги асрий орзу — истиқлол гоёси улкан жасорат билан илгари сурилиб, уни амалга ошириш учун тарихий қадамлар қўйилди.

Аваламбор, 1989 йилдаёқ Юртбошимизнинг қатъият туфайли ўзбек тилига давлат тили мақоми берилди. Мустақилликка эришимиздан аввалроқ Президентимиз фармонига қўра, бир қатор ҳуқуқ-тар-

тибот ва хавфсизлик идоралари Ўзбекистоннинг қонуний тасарруфига олинди.

Мамлакатимизда Президент лавозими жорий этилганидан сўнг қабул қилинган дастлабки фармонлар асосан ижтимоий ҳимоя, давлат органларини ташкил этиш, давлат мустақиллигини таъминловчи органларни барпо этиш, айрим тузилмаларни бозор муносабатларига мос равишда қайта тузиш, миллий кадрларни тиклаш каби вазифалар билан боғлиқ бўлди. Жумладан, 1990 йил 3 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Кўп болали оналарнинг нафақа миқдорини кўпайтириш ошириш тўғрисида"ги 1-сонли Фармони қабул қилинган эди.

Президентимиз раҳнамолигида 1990 йил 20 июнда мамлакатимиз Олий Кенгаши "Мустақиллик декларацияси"ни қабул қилди. 1991 йил 31 августда эса Тошкентда Республика Олий Кенгашининг навбатдан ташқари VI сессияси бўлиб ўтиб, унда Президентимиз томонидан Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги эълон қилинди. Шунингдек, сессияда "Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди. 1 сентябрь — Мустақиллик куни деб эълон қилинди.


Ўзбекистон ўз истиқлолининг дастлабки кунларидан ўз умрини ўтаб бўлган мустақил, маъмурий-буйруқбозлик, режали-таксимот тизимидан воз кечиб, мамлакатимиз иқтисодиётини мафкурадан холи этиш ва унинг сиёсатдан устунлигини таъминлаш, давлатнинг бош ислотчи вазифасини бажариши, қонун устуворлигига эришиш, кучли ижтимоий сиёсат юритиш, ислохотларни босқич-ма-босқич ва изчил амалга ошириш каби беш тамойилга асосланган, "ўзбек модели" деб ном олган ўз тараққиёт йўлини танлаб олди.

Ислохотларни бошлашда, энг аввало, ҳуқуқий асослар тайёрланди. Жамиятимизнинг асосий қоидалари, унинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий йўналишлари белгилаб берилган Конституциямиз ҳам ана шу асосга қурилди. Қонунчилик

содий эркинлигига ҳам, ҳўжа-лик соҳасидаги ташаббусга ҳам, тадбиркорликка ҳам ўрин йўқ эди. Иқтисодиёт ва унинг ҳуқуқий негизи бир неча ўн йиллар мобайнида ҳаддан ташқари мафқуралаштирилган, халқаро меъёрлар ва қоидаларнинг талабларини инкор этарди. Ҳатто ҳуқуқий жиҳатдан биз социалистик лагер доирасига ўралашиб қолганди, амалда жаҳон ҳамжамиятига эркин чиқа олмас, халқаро ҳуқуқнинг ҳамма қатори тенг субъекти бўла олмас эдик.


**Мирвал Миррақулов,  
Самира САИД-ҒАЗИЕВА,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти ҳузуридаги Давлат  
бошқаруви академияси мустақил  
изланувчилари,  
юридик фанлар номзодлари

лик асосларини ишлаб чиқиши ва қабул қилиши зарур бўлиб қолди. Шу жиҳатдан энг катта ютуқларимиздан бири бу — миллий қонунчилик мактабимиз шаклланиши ҳисобланади. Ниҳоят, учинчидан, биз янгиланиш ва тараққиётда ўз йўлимизни, иқтисодиётни ислох қилишда ўз моделимизни танлаб олдик. Биз жаҳондаги демократик меъёрлар ва бозор иқтисодиёти тамойилларига алоқачон таркиб топиб бўлган кўпгина мамлакатларнинг қонун чиқариш соҳасидаги тажрибасини кенг ўргандик. Бу иш бизга хатоларни такрорламаган ҳолда, янгиланган жамият куриш хусусиятларини ҳисобга олиб, ғоят қисқа муддат ичида пухта замонавий қонунчилик негизини шакллантириш, ислохотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш бўйича ўз механизмининг ишлаб чиқиш имконини берди. Қабул



базаси барпо этилиб, бутун давлат тузилмаси ўзгартирилди. Эски маъмурий-буйруқбозлик тизими ва унга мувофиқ бўлган ҳокимият ва бошқарув органларини тугатишга оид қонун ҳужжатлари қабул қилинди, янги давлатчиликнинг сиёсий-ҳуқуқий, конституций асослари яратилди.

Янги қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилишга кучли эҳтиёж Юртбошимиз қайд этганларидек, қуйидагиларда намоеён бўлди: биринчидан, илгари амал қилиб келган қонунлар аввалги тоталитар тузумни ҳимоя қилиш манфаатларига хизмат қиларди. Бошқариш ва ҳўжалик юритишнинг маъмурий-буйруқбозлик усулларини ёқлайдиган, ишлаб чиқариш воситаларининг умумдавлат мулки бўлишини ташкил оладиган, хусусий мулк ҳуқуқини, эркин рақобатни ба-томом истисно этадиган, бозор иқтисодиёти қонунларининг амал қилишини чеклаб қўядиган қоидалар расман мустақкамлаб қўйилган эди. Таркиб толган сохта социалистик ташаббуслар ҳаётда ёлғондакам ижтимоий адолат меъёрларини қарор топтирарди. Бу меъёрлар боқимандаликни, ижтимоий ва меҳнат соҳаларида лоқайдликни, иқтисодий масъулиятсизликни туғдирадиган асосиз тенглаштиришни ағлатарди. Амалда бўлиб келган иқтисодга оид қонун ҳужжатларининг ҳаммаси халқ ҳўжалигини ташкил этишнинг марказлаштирилган режали тизими руҳи билан суғорилганди. Уларда корхоналарнинг иқти-



Қисқа қилиб айтганда, бутун қонунчилик негизи янги иқтисодий муносабатларни шакллантириш йўлида асосий тўсиқ бўлиб хизмат қилди. Иккинчидан, илгари Ўзбекистонда қабул қилинган қонун ҳужжатларининг ҳаммаси умумиттифоқ талабларига батамом мослаштирилган бўлиб, республикамизнинг ўзига хос минтақавий хусусиятларини ҳисобга олмас эди. Қонун чиқариш ташаббуси Марказнинг қўлида эди. Республика қонун чиқарувчи органлари иттифоқда қабул қилинган қонунларни, партия ёки ҳўкумат қарорларини тўғри республикага мослаб кўчириб олардилар, холос.

Мустақилликни кўлга киритгандан кейин Ўзбекистон ёш давлат сифатида ўз халқининг манфаатларига, жамиятда ҳам, иқтисодий муносабатларда ҳам демократик ўзгаришларни амалга ошириш вазифаларига мос келадиган янги қонунчи-

қилинаётган кўпгина қонунлар дастлаб танқили халқаро юридик ташкилотларда ва мутахассислар томонидан экспертизадан ўтказилди. Уларнинг ҳуқуқий жиҳатдан етуқлиги, умум қабул қилинган талаблар ҳамда қоидаларга мослиги юксак баҳоланди.

Ҳозирга келиб, мустақилликни мустақкамлашга хизмат қиладиган, инсон ҳўқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган 650 дан ортиқ қонунлар қабул қилинди. Ислохотларнинг ҳуқуқий негизини яратиш бир қанча муҳим йўналишлар бўйича амалга оширилмоқда.

Биринчи йўналиш — давлат мустақиллигининг ҳуқуқий негизларини яратиш, давлат ҳокимияти ва бошқарувининг қоидаларини тартибга солуви қонунларни қабул қилиш. Ана шу йўналиш доирасида давлат мустақиллигининг асослари, давлат тили, байроғи, ▶

мадҳияси, герби, чегараси, фуқаролик, референдум, Олий Мажлисга, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига, Президентликка сайлов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси, Сенати, Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисидаги тарихий аҳамиятга эга бўлган қонунлар қабул қилинди.

Иккинчи йўналиш — ижтимоий соҳа, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш. Таълим, фуқаролар соғлигини сақлаш, фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти, жамғариб бориладиган пенсия таъминоти, ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш, аҳолини иш билан таъминлаш, одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш, аҳолини сил касаллигидан муҳофизат қилиш, аҳолининг эпидемиология осойишталиги, аҳоли ўртасида микронутриент етишмаслиги профилактикаси, йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар, ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари, васийлик ва ҳомийлик, бола ҳуқуқларининг кафолатлари, меҳнатни муҳофизат қилиш, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий сугуртасига доир каби муҳим қонунлар қабул қилинди.

Ижтимоий ҳимояга оид қонун ҳужжатлари самараси ўлароқ, юртимиздаги 10 фоиз таъминланган ва 10 фоиз етарлича таъминланмаган аҳоли даромадлари ўртасидаги фарқ, яъни "децил коэффицент" деб ном олган кўрсаткич барқарор пасайиш тенденциясига эга бўлиб, бу рақам 2010 йилдаги 8,5 фоиз ўрнига 2015 йилда 7,7 фоизни ташкил этди. Даромадлар ўртасидаги фарқни инфоа эътиборини яна бир халқаро кўрсаткич — Жини индекси мамлакатимизда 2010 йилдаги 0,390 ўрнига 2015 йилда 0,280 ни ташкил этди ва бу натижа дунёнинг қўллаб-қувватлаш

вожланган ва ривожланиётган давлатларига қараганда анча пастдир.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳомийлигида мустақил ташкилотлар гуруҳи ва халқаро экспертлар иштирокида 2015 йилда 158 та давлатда "Дунёнинг энг бахтли мамлакатлари" деган мавзуда ўтказилган тадқиқотда Ўзбекистон 44-ўринни эгаллади.

Учинчи йўналиш — иқтисодий соҳадаги қонун ҳужжатлари, хусусан, тизимдаги ўзгаришларга, сифат жиҳатидан



янги иқтисодий муносабатларга ва энг аввало, мулкчилик муносабатларига асос соладиган қонунлар мажмуини яратиш. Республика парламенти томонидан қабул қилинган ана шундай базавий, асосларни белгилаб берувчи қонунлар жумласига мулкчилик, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, ижара, акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, қимматли қозғолар бозори, аудиторлик фаолияти, микрокредит ташкилотлари, микромолиялаш, банклар ва банк фаолияти, банк сири, тижорат сири, кредит ахбороти алмашинуви, ипотека, истеъмол кредити, биржалар ва биржа фаолияти, лизинг, гаров, гаров реестри, банкротлик, баҳолаш фаолияти, сугурта фаолияти, бухгалтерия ҳисоби, валютани тартибга солиш, фермер ҳўжалиги, деҳқон ҳўжалиги, рақобат, риэлторлик, тадбиркорлик фаолияти

эркинлигининг кафолатлари, тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рўхсат бериш тартиб-таомиллари, хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари, оилавий тадбиркорлик, ташқи иқтисодий фаолият, эркин иқтисодий зоналар, инвестиция фаолияти, чет эл инвестициялари, чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари, инвестиция ва пай фондлари, концессиялар, фаолиятнинг айрим тур-

Иқтисодийётда саноатнинг улуши 34 фоизга етди, экспорт таркибида тайёр маҳсулотлар улуши 70 фоиздан зиёдни ташкил этмоқда. Мустақиллик йилларида иқтисодийетимиз қарийб 6 баробар, аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромадлар 12 баробардан зиёд ошди, олтин-валюта захираларимиз барқарор суръатлар билан кўпайиб бормоқда.

Жамиятимизнинг қудратли таъничи айланган бораётган ўрта синф — мулкдорлар синфининг жадал ривожланиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлиқнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 56,5 фоизга етиб, айна шу тармоқда иш билан банд аҳолининг 77,9 фоиз меҳнат қилиб, мамлакатимиз равнақига муносиб ҳисса қўшмоқда.

Тўртинчи йўналиш — суд ҳуқуқ соҳасида судлар, Конституциявий суд, ҳакамлик судлари, прокуратура, адвокатура, адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси, нотариат, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси, одам савдосига қарши курашиш, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмининг молиялаштиришга қарши курашиш, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш, суд экспертизаси, тезкор-қидирув фаолияти, жисмон ва юридик шахсларнинг мурожаатлари, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисидаги қонунлар, Жиноят, Жиноят-процессуал, Жиноят-иқроия, Маъмурий жавобгарлик, Фуқаролик процессуал, Ҳўжалик процессуал кодекслари қабул қилинди.

Бешинчи йўналиш — фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш йўналишида жамоат бирлашмалари, нодавлат ноижорат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари, сиёсий партиялар, давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партия-

ларнинг ролини кучайтириш, сиёсий партияларни молиялаштириш, касба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари, нодавлат ноижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари, жамоат фондлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқаролар йиғини раиси (оксоколи) ва унинг маслаҳатчилари сайлови, ижтимоий шериклик, экологик назорат, ҳомийлик тўғрисидаги каби қонунлар қабул қилинди.

Олтинчи йўналиш — мудофаа ва хавфсизлик ҳамда ташқи сиёсат соҳасида мудофаа, умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат, Қуролли Кучлар резервидаги хизмат, фуқаро муҳофазаси, қўтқарув хизмати ва қўтқарувчи мақоми, радиациявий хавфсизлик, гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги, ёнғин хавфсизлиги, йўл ҳаракати хавфсизлиги, хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги, аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятлари фавақулдада вазиятлардан муҳофизат қилиш, давлат сирларини сақлаш, махсус юклар ва ҳарбий таркибларнинг транзити, халқаро шартномалар, дипломатия ходимлари учун дипломатия даража ва мартабалари белгилаш, Консуллик устивини тасдиқлаш тўғрисидаги каби қонунлар қабул қилинди.

Маъмур қонун ҳужжатлари ижроси ўлароқ, мамлакатимизда тинчлик-осойишталик ҳукми сурмоқда. Хавфсизлик тизими самарали йўлга қўйилганига боис, 2014 йилда Ўзбекистон ҳуқуқ-тартибот ва хавфсизликни таъминлаш бўйича дунёда етакчи бемалакат қаторидан ўрин олди.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, қабул қилган қонунларимиз ҳамда унинг асосида эришган ютуқларимиз ўзимизники, бироқ олдимизга қўйган олий мақсад — гўзал ва бетакрор, муқаддас Ватанимиз Ўзбекистонимизнинг энг тараққий топган давлатлар қаторига киришига мустахкам ҳуқуқий асос бўладиган қонунчиликни янада такомиллаштириш тўхтовсиз жараёндир.

## Адвокатнинг текширувдаги иштироки

**Тадбиркорлик фаолияти билан кўпчилик шугулланади. Лекин айримлар билб-билмасдан содир қилган жиноий ҳаракатлари учун қўзғатилган жиноят ишлари бўйича тайинланган молиявий-ҳўжалик фаолиятини текширишда ўзларининг қандай ҳуқуқларга эга эканлигини эътиборсиз қолдиради.**

Президентимизнинг 2015 йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилиш таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ва унга асосан қабул қилинган қонунларимизда тадбиркорлик субъектларининг қонуний манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш имкониятлари кенгайтирилди. Жумладан, "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 39-моддасига мувофиқ, қўзғатилган жиноят ишлари бўйича текширувлар уларни ўтказишнинг барча босқичларида тадбиркорлик субъектлари томонидан жалб этилган адвокатлар албатта иштирок этган ҳолда (адвокатни рад этиш ҳоллари бундан мустасно) амалга оширилиши тартиби белгиланди.

Эндиликда текшириш бошлангандан олдин текширувчи томонидан та-

биркорга текширишда иштирок этиш учун адвокатни жалб этиш ёки унинг иштирокини рад этиш ҳуқуқи энма шаклда тушунтирилади ва бу ҳақда баённома тузилади.

Шуни ҳам эсда тутиш керакки, адвокат хизматларидан фойдаланиш ҳуқуқининг рад этилиши текширишнинг кейинги босқичларига уни жалб этиш учун монелик қилмайди.

Агар тадбиркор адвокатни жалб этиш истигани билдирган бўлса, текширишни бошлаш адвокат етиб келгунга қадар 24 соатга тўхтатиб турилади. Ушбу вақт ўтгандан кейин адвокат тадбиркорлик субъектини ҳимоя қилишга киришмаган тақдирда, текшириш унинг иштирокисиз бошланади.

Тадбиркор жиноят иши бўйича гуноҳ қилинувчи ёки айбланувчи тартиқасида ишга жалб этилган тақдирда, уни адвокат билан таъминлаш Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси асосида амалга оширилади.

Шунга ҳам алоҳида эътибор қара-

тиш лозимки, текшириш тадбиркорлик субъектининг фақат қўзғатилган жиноят иши билан боғлиқ фаолиятини қамраб олиши мумкин бўлиб, бу ҳақда текширишни тайинлаш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган бўлиши керак.

Текширишни тайинлаш тўғрисидаги қарорга суриштирувчи ёки терговчининг имзоси билан бирга, ушбу органнинг гербли муҳри қўйилган бўлиши лозим. Текшириш тайинлаш тўғрисидаги қарор билан таништириш ҳақида 3 нусхада баённома тузилиб, қарор чиқарган мансабдор шахс билан бирга, тадбиркор ва адвокат томонидан имзоланади ва уларга нусхаларидан берилади.

Текшириш давомида адвокатлар текшириш юзасидан таклифлар ва илтимосномалар киритишлари, фикр ва эътирозлар билдиришлари ва қўшимча маълумотлар тақдим этишлари мумкин.

Тадбиркорлар томонидан текширишда жалб этилган адвокатларга юридик

**Зухриддин БОЙЗОҚОВ,**

Наманган вилоят прокуратураси бўлим катта терговчиси

ёрдан кўрсатганилиги учун ҳақ тўлаш қонунчиликда белгиланган тартибда, шартнома асосида амалга оширилади. Тадбиркорларнинг қўзғатилган жиноят ишлари бўйича тайинланган молиявий-ҳўжалик фаолиятини текширишда ўз қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни пухта билиб олиши фаолиятни янада ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатади.



Техника ва технологиялар тараққий этган шикаткор даврага яшамоқдамиз. Бугун жамият ҳаётини замонавий технологияларсиз тасаввур этиш қийин. Қайси жабҳани олманг, ушбу воситалар иктымол ҳаётимизда кенг қўлланилаётганига, кўлаб эҳтиёж ва юмушларимизни енгил қилаётганлигига гувоҳ бўлаемиз.

## Қаллоблар

Алишер РАИМБЕРГЕНОВ,  
Бош прокуратура ҳузуридаги  
СВОЖДЛҚК департаментининг  
бўлим катта инспектори

Бирок, бу замонавий технологиялар айрим шахсларнинг қинғир ниётларини амалга оширишда бир восита бўлиб хизмат қилаётгани ачинарли ҳолдир. Мисол учун, пул белгилари ва қимматли қозғоларни қалбакилаштиришда ҳам шундай ҳолатларни кузатиш мумкин. Бундай қимсалар қайси давлат фуқароси бўлиши, қаерда яшайди содир этишидан қатъи назар, ўзларининг жиноий ҳаракатлари билан аввало, давлатнинг пул-кредит тизимига зарар етказиб, инфляциянинг пайдо бўлиши ва унинг ривожланишига, иқтисодий беқарорлик, қолаверса, иқтисодиётнинг издан чиқишига сабабчи бўлади.

Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖДЛҚК департаменти органлари ходимлари томонидан ана шундай ҳолатларнинг олдини олиш, уларнинг яширин фаолиятига чек қўйиш мақсадида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Департаментнинг Қўқон шаҳар бўлими томонидан бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари билан ҳамкорликда ўтказилган тезкор тадбирда ана шундай ҳолатлардан бири фош этилди.

Фуқаролар Мелс Отабоев, Носир Элбеков ва Турсунпўлат Аҳадов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ўзаро жиноий тил бириктириб, қалбаки 5000 сўмлик банкнотларни ясаб билан шугулланиб келатганлиги ҳақида тезкор маълумотлар олинди. Тезкор тадбирда улар 50 млн. сўм қалбаки пуллари махсус харидорга 10 млн. сўм ҳақиқий миллий валюта эвазига тайёрлаб беришга келишиб, олдиндан 5 млн. 300 минг сўмни олишди. Соат 23:00да Қўқон шаҳридаги чойхоналарнинг бирида рангли принтер ёрдамида тайёрланган 8 млн. 500 минг сўм қалбаки пулни Носир Элбеков махсус харидорга ўтказган вақтда ашёвий далиллар билан ушланди.

Қонунбузар Н.Элбековнинг қўрсатмаси асосида Қўқон шаҳридаги хонадон кўздан кечирилиб, 5000 сўмлик қалбаки пуллари рангли принтер ёрдамида чиқарилиб, кесиб учун тайёрлаб қўйилганлиги аниқланди. Чоп этилган қалбаки пуллари бу шу мақсадда ишлатилган технология ускуналари ашёвий далил тариқасида олинди.

Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, қонунбузарларга нисбатан суд томонидан озоликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Жиноятнинг умри қисқа бўлади, дейишди. Мўмай даромад изидан тушган, нафсига тобе бўлган қимсаларнинг қисмати жазо билан хотима топиши тайин.




## «Давринг келди, сур бегим» эмас...

Меҳнат инсонни улуғлайди. Бир қараганда оддий мантиқ яширин бу ҳикматда гап кўп. Нега, дейсизми? Чунки ҳалол ризақ-насиба топиб, рўзгор тебатиб, бола-чақа боққан борки, доимо эз ардоғида бўлади. Бухоро тумани Қўшарбот қишлоғида яшовчи Илс Жўраев (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ҳам ана шундай ҳалол, мард, удабурон тadbиркор сифатида танилган. Аммо у нафсининг қутқусига учди, ноқонуний хатти-ҳаракатларга қўла урани.

2013 йил 5 апрелда Бухоро туман тadbиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясида тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тadbиркор сифатида Жўраев Жўраевни рўйхатда ўтказиб қўйган И.Жўраев, амалда фаолиятини ўзи юрита бошлади. Уша пайтдан 2014 йилнинг сентябрь ойига қадар бўлган даврда ўз фойдасини кўлаб тегишли қонун ҳужжатлари талабларини пинанд қилмади. Натихада 4 миллиард 147 миллион 141 минг сўмлик ёғоч маҳсулотларини сотишдан тушган нақд пул белгиланган тартибда банкка топширилмасдан, савдо ва хизмат кўрсатиш қоидалари бузилди.

Мўмай даромадни шахсий чўнтакка



йўналтирган "тadbиркор" бундан ташқари, Рўзимурод Ботиров номига якка тартибдаги тadbиркорлик субъектини очиб, рўйхатдан ўтказадиган, фаолиятини ўзи юритади. 2015 йил июнь ойидан 2015 йилнинг октябригача 766 миллион

Бугун юртимизда тadbиркорликка эътибор тобора кучайиб, юртдошларимизнинг барча соҳаларда ўз иқтидорини намойиш қилишлари, бунинг эвазига ўз турмуш шароитларини янада яхшилашлари учун қўлай имкониятлар яратилган. Фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилган ҳолда, ҳар йили солиқ тўловлари ҳам янги имтиёзга киритилмоқда.

## Қимматга тушган қилмиш

Файрат ИЗЗАЕВ,  
СВОЖДЛҚК департаментининг  
Бойсун туман бўлими бошлиғи

Бундай имкониятлардан самарали фойдаланган кўлаб юртдошларимиз ҳам ўзлари наф қўрмоқдан, ҳам мамлакатимизнинг иқтисодий ривожланишига баракали улуш қўшмоқдалар.

Бирок беш бармоқ баробар эмас. Орамизда фақат ўз манфаатини ўйлайдиган, қонунларга белгисизлик билан қарайдиган кишилар ҳам учраб туради. Шўрчи тумани Элбаён маҳалласида яшовчи Эшқул Тошқулов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ҳам ноқонуний йўллар билан даромад орттиришни маъқул йўл, деб билди. Сифат сертификатга эга бўлмаган, қўлбола усулда тайёрланган пахта ёғини савдога чиқарганида унинг виждини қийналмади.

СВОЖДЛҚК департаментининг Бойсун туман бўлими ва вилоят бошқармаси ходимлари ҳамкорликда ўтказган тезкор тadbирда фуқаро Э.Тошқулов ўз уйининг ёрдамчи ҳўжалигида яширин цех ташкил қилиб, қўлбола усулда пахта ёғини турли ёрликлар билан полиэтилен идишларга қадоқлаб, сотиб келганлиги аниқланган. Воқеа жойидан "Косон ёғ" ҳамда "Сурхон озиқ-овқат" номли ёрликлар, 842 дона турли ҳажмдаги полиэтилен идишлар ва қопқоқлар, қадоқланмаган 3940 литр ўсимлик ёғи, 180 дона елим идишларда "Денов" номли ёрлик билан қадоқланган ўсимлик ёғи, 19 дона 5 литр ҳажмдаги ва 1031 дона 1 литр ҳажмдаги "Кубанская семечка" номли ўсимлик ёғи, 312 дона 2 литр ҳажмдаги "Косон ёғ" номли ёрлик билан қадоқланган ўсимлик ёғи, 5870 литр ўсимлик ёғи ва бошқа товар-моддий бойликлар ашёвий далил сифатида олиб қўйилган.

Фуқаро Э.Тошқуловдан олинган ўсимлик ёғи Сурхондарё саноат ва сертификатлаштириш марказининг ҳулосасига кўра, давлат стандарти талабларига жавоб бермаслиги, яъни истеъмолга яроқсизлиги аниқланди. Э.Тошқуловга эса суд томонидан тегишли жазо тайинланди.

## Осонгина бойимоқчи бўлишди

Бугун юртимизда ҳар бир инсоннинг меҳнат қилиши, даромад топиши учун кенг имкониятлар, шароитлар яратиб қўйилганга қарамай, нафсининг йўриғига юриб, фойда кўришнинг қинғир йўлларини ихтиёр этаётган шахслар ҳам орамизда учраб турибди.

Саидхосим БУРХОНОВ,  
СВОЖДЛҚК департаментининг  
Кўйичирчиқ туман бўлими бошлиғи

Пойтахтлик Мансур Илҳомов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ҳамда унинг шериги Отабек Санжаровлар ана шундай қимсалар тоифасидан бўлиб чиқди. Улар ўзаро жиноий тил бириктириб, ноқонуний валюта олди-сотдиси билан шугулланишни мақсад қилдилар. Икковлон туман марказидаги деҳқон бозорига айлиниб юриб, қора бозорда АҚШ долларининг нархи қанча бўлаётганини сўраб-суриштиришди.

Эртасига О.Санжаров шериги М.Илҳомовга валютага миқоз топганлигини айтиди. Мансур рози бўлади. Ахир 6 минг 125 АҚШ долларини 40 млн. сўмга сотса, ёмонми? Қолаверса, ушбу "бизнес"ни яна давом эттиришга ҳам имкон яратилади. Мансур-

нинг кўзига савдо ортидан келадиган мўмайгина даромад кўринди-ю, бу иши қонунга хилоф эканлиги хаёлига ҳам келмади. Наф балоси аллақачон унинг кўзини кўр, қулоғини қар қилиб ултурганди.

М.Илҳомов ҳамда О.Санжаровлар келишилган манзилда фуқаро Иномжон Якубов билан учрашди. Бирок валютафурушларнинг текин бойлик эгаси бўлиш орзулари чиппака чикди. Улар 6 минг 125 АҚШ долларини харидорга бериб, ундан ўзбек сўмларини олаётган пайтда департамент ходимлари томонидан қўлга олинди.

Жиноят ишлари бўйича Кўйичирчиқ туман судида мазкур жиноий қилмиш атрофида кўриб чиқилди. Валютафурушларга тегишли жазо тайинлаш ҳақида ҳукм ўқилди.

Мустақим КҮЛДОШЕВ,  
СВОЖДЛҚК департаментининг  
Бухоро вилоят бошқармаси  
бўлим бошлиғи

74 минг сўм миқдордаги нақд пуллари банкка топширилмади. Шунингдек, якка тadbиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтган Илс Жўраев 2015 йил июнь ойидан 2016 йил февраль ойига қадар 2 миллиард 134 миллион 675 минг сўмлик ёғоч маҳсулотларини сотиб, пулни банкка топширишни "эсидан чиқаради".

Бундан ташқари, у Ж.Жўраев ҳамда Р.Ботиров номига рўйхатдан ўтказилган тadbиркорлик субъектларининг фаолиятига оид солиқ ҳисоботларида уларнинг имзоларини сохталаштиргани ҳам фош бўлди.

"Давринг келди, сур бегим" қабилида иш қўрган Илс Жўраевнинг бу хатти-ҳаракатларини қонун ўз талаби доирасида баҳолади. Жиноятга жазо муқаррарлиги таъминланди.

## Муҳандиснинг талаби

Дилмурод НАЗИРОВ,  
СВОЖДЛҚК департаментининг  
Риштон туман бўлими бошлиғи

Юртимизда истиклол шарофати билан қўлай ишбилармонлик муҳити яратилиб, тadbиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари қонун ҳимоясига олинди. Мансабдор шахслар ва ходимларнинг тadbиркорлар фаолиятига гайриқонуний аралашуви, товламачилик, тамагирлик каби жиноий қилмишларига нисбатан жазонинг муқаррарлиги таъминланмоқда.

Хусусан, Н.Умаров 2012 йил декабрь ойида Риштон туман ҳокимлиги ҳузуридаги тadbиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясида давлат рўйхатидан ўтиб, "Набижон — Лочин" хусусий корхонасини ташкил қилди ва қурилиш-таъмирлаш ишлари билан шугуллана бошлади. 2013 йилнинг январь ойида Риштон "Пахта тозалаш заводи" акциядорлик жамияти билан қурилиш ишларини бажариш учун қиймати 400 млн. сўмлик шартнома тузилди. Тadbиркор жамият билан тузилган шартномага кўра, қурилиш ишларини бажаришга киришди. Амалга оширилган ишлар эвазига 64 млн. 920 минг сўм маблағ тўланади. Қолган пуллари тўлашга келганда эса "Пахта тозалаш заводи" АЖнинг қурилиш ишлари муҳандиси Б.Тўхтасинов турли хил баҳоналарни рўқча қилиб, бажарилган ишлар далолатномаси ва ўзаро қарздорликка оид солиштирма далолатномани имзолашни орта сураверди. Қурилиш ишлари тўхтаб қолди. Хусусий корхона маблағ йўқлиги туфайли молиявий қийин аҳволга тушди.

Тadbиркор 2016 йил январь ойида яна Б.Тўхтасиновга урашиб, бажарилган ишлари ҳақини тўлаб қўйиш учун зарур далолатномаларни имзолаб беришни сўради. Инсофсиз муҳандис эса бу масала 1000 АҚШ доллари эвазига биттишини айтиди. Ноилжон қолган Н.Умаров рози бўлиб, унга 200 АҚШ доллари берди. Бошқа пули йўқлиги туфайли "имзо ҳақи"ни қамайтиришни бир неча марта илтимос қилди. Бирок Б.Тўхтасинов яна 800 АҚШ доллари берса, иши ҳал бўлишини айтиди.

Пуллари тўлалигича ололмаган тadbиркор ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилишга мажбур бўлди. Унинг аризаси асосида тadbир ўтказилди. Тамагир муҳандис тadbиркордан 800 АҚШ долларини олган пайтда ушланади.

Суд мажлисида Риштон "Пахта тозалаш заводи" АЖнинг қурилиш ишлари муҳандиси лавозимда ишлаган Б.Тўхтасинов айбига тўлиқ иқдор бўлди. Суд унга нисбатан тегишли жазо тайинлаб, ҳукм чиқарди.



# ТИНЧЛИК ЭНГ УЛУҒ НЕЪМАТ

## уни асраш эса энг катта масъулиятдир

Жорий йилнинг 2 июнида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарори эълон қилинди. Ҳаётда шундай мутлақ ҳақиқатлар борки, вақт ва замон ўтиши билан уларнинг қадр-қиммати ортиб, мазмунни бойиб бораверади. Ана шундай ҳақиқатларга "Ватан" деб аталмиш тушунчанинг мазмунини ташкил этувчи ҳудуд, халқ ва давлат ҳам қиради.

Инсон "Ватан" тушунчасининг моҳиятини англамас экан, у ҳеч қачон етуқлик, комиллик даражасига кўтарила олмайди. Барчамизга маълумки, инсон ўзлигини англагани, насл-насабини чуқурроқ билгани сари юрагида Ватанга муҳаббат туйғуси илдиз отиб, улғая боради. Бу илдиз қанча теран бўлса, туғилиб ўсган юртва муҳаббат ҳам шу қадар юксак бўлади. Албатта, жаҳон — кенг, дунёда мамлакат кўп, лекин бу оламда бетақор она юртимиз, Ўзбекистонимиз яққо яғона, дея эътироф этади муҳтарам Юртобшимиз.

"Ўзал ва бетакоримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" бош ғоясини онгу шууримизга сингдирар эканмиз, инсоният тарихида комилликка эришган буюк инсонларнинг барчаси Ватанини ва унинг нақадар муқаддас эканини англаган, унга содиқ шахслар бўлганини ҳеч бир давр инкор эта олмайди. Она Ватанимиз — Ўзбекистон Республикаси ўз мустақил тараққиёт йўлининг шонли 25 йиллигини энг улуг ва энг азиз байрам сифатида нишонлаш, катта тантана қилиш арафасида турибди. Ўзининг маъно-мазмун, бунёдкорлик кўлами, моҳияти ва аҳамияти билан ўтган 25 йиллик давр мамлакатимиз тарихига зарҳал ҳарфлар билан битилган том маънодаги буюк давр бўлди. Юртимиз истиқлоли бизнинг олдимизга улкан имкониятлар очди ва халқимиз учун эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш, дунё ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллашдек юксак мақсадлар йўлида мустақкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

Тарихда ҳеч бир халқ ёки миллат ўз озодлиги ва мустақиллигини осонлик билан қўлга киритмаган. Буни жаҳон тарихи, жумладан, юртимиз тарихи ҳам исботлайди. Бизнинг аجدдоларимиз, ота-бобо-

ларимиз қадим тарихимиз давомида неча бор ёвуз боққинчилар ҳужумига дуч келиб, Ватанимиз озодлиги учун кураш олиб борганлар. Масалан, Тумарис, Широқ, Спитамен, Жалолиддин Мангуберди, Нахмиддин Кубро, Темур Малик, Маҳмуд Торобий, Амир Темур сингари мард ва баҳодир саркардаларимиз бошчилигида ёвларга қарши қилинган жанг жаддалар, сўнги 130 йилдан ортиқроқ давом этган истибдод давридаги озодлик курашлари, жадид боболаримизнинг халқимизни жаҳолат ва мустамлакачилик домидан халос этиш йўлидаги маърифий ҳаракатлари бу фикрнинг тасдиғидир.

Таъкидлаш жоизки, XX аср 80-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб Президентимиз Ислоом Каримов бошчилигида юртимизда адолат, мустақиллик, тинч-осуда ҳаёт учун олиб борилган мардона ҳаракатлар миллий озодлик йўлидаги курашларнинг ёрқин саҳифасини ташкил этади. Буларнинг барчаси истиқлол, бугунги озод ва эркин ҳаёт ўз-ўзидан келмагани, улар асрлар давомида олиб борилган курашлар маъсули эканидан далолат бериб, мустақилликка тамал тоши қўйилди. Мана шундай олижаноб, бағрикенг халқимизга фарзандлик меҳри ва садокат билан, фидойилик билан хизмат қилиш — барчамиз учун энг юксак шараф ва олий саодатдир. Тарихан жуда қисқа, бироқ мазмунан асрларга тенг бу йиллар давомида халқимиз миллий тараққиёт йўлидан изчил ва қатъият билан бориб, барча синов ва машаққатларни енгиб ўтиб, оламшумул ютуқ ва марраларга эришди. Ҳаётнинг ўзи биз танлаган йўл ҳар томонлама тўғри эканини кўрсатди. Буни бугун жаҳон ахли эътироф этмоқда. Бу йўл тараққиётнинг "ўзбек модели" сифатида кенг урганилмоқда. Бу ўз навбатида халқимизнинг иродаси, куч-

қудрати ва бунёдкорона меҳнат самарасига, давлатимиз раҳбари томонидан олиб борилаётган сиёсатга берилган ҳаққоний баҳо бўлиши билан биргаликда Ўзбекистон деб аталмиш юртимиз тарихан қисқа даврда пойдевори мустақкам, замон талабига жавоб берадиган замонавий давлатга айланиб бораётгани, энг асосийси, аввало, одамларимизнинг дунёқарши, сиёсий ва ҳуқуқий онги ва маданияти тобора юксалиб бораётгани бу борада ҳал қилувчи омиллардан бири эканини ҳаммамиз яхши англамоқдамиз. Халқимиз қадим-қадимдан ҳалоллик, поклик каби фазилатларга алоҳида эътибор бериб, бу хислатларга инсон умрининг хотиржам, осойишта ва фаровон ўтишига қалфолат сифатида қараб келган. Шу билан бирга, бундай юксак инсоний фазилатлар кишилар маънавиятини шакллантиришда асосий омил дея эътироф этилган.

Чуқур ва пухта ўйланган, машҳур беш тамойилга асосланган, бугунги кунда жаҳон миқёсида "ўзбек модели" деб тан олинган стратегик тараққиёт дастурини ишлаб чиқиш, уни амалга оширганимиз, ҳеч шубҳасиз, тарихимизда ўчмас из қолдириши мумкин, дея таъкидлаган эди Президентимиз.

Шунинг билан биргаликда Тошкент дунёнинг кўпгина йирик шаҳарлари билан биродарлашган. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қарорига биноан "Тинчлик элчиси" фахрий унвони билан тақдирланиши ва минглаб шахслар орасидан ҳақли равишда "Ислоом маданияти пойтахти" мақоми берилганини алоҳида таъкидлаб ўтишимиз зарур. "Мен Тошкентни жаҳоннинг энг ўзал шаҳри деб ҳисоблайман, — бу шаҳри азимдаки ўзгаришлар мени лол қолдиради. Ўзал Тошкентнинг кундан-кунга кўркамлашаётганидан шодланаман. Шаҳарда қад кўтараятган қўлбал обидалар, айниқса, Олий Мажлиснинг янги биносини кўриб ҳайратга тушаман. ЮНЕСКО "Жаҳондаги энг яхши шаҳар" кўрик" танлови ни ўтказса, унинг комиссияларидан бирининг аъзоси сифатида "Бу номга фақат ва фақат Тошкент лойиқ!", деб

айтаман" деган эди, машҳур қирғиз адиби Чингиз Айтматов.

АҚШда фаолият кўрсатаётган, катта обрўга эга бўлган Геллап институти ижтимоий фикр ўрганиш маркази томонидан сўров ўтказилиб, 142 мингта шахснинг фикри ўрганилган. Мамлакатимиз бу сўровнома натижаларига кўра, дунёдаги 141 та давлат орасида 2-уринни эгаллагани ҳамда дунё рейтингига бизнинг армиямиз ўз салоҳияти ва қудрати бўйича етакчи ўринларда туриши барчамизда, шу билан биргаликда биз каби ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тизимларда фидоқорона хизмат қилаётган барча хизматчи, ходимларда фахр ва ифтихор уйғотади.

Мамлакатимизда таълим-тарбия соҳасига ҳар йили сарфланаётган харажатлар билан 10-12 фоизни ташкил этмоқда. Ўтган 2015 йили таълим-тарбия соҳасини янада ислох этиш ва такомиллаштириш масаласи ҳам диққат марказда бўлди. Бу рақам ЮНЕСКОнинг мамлакатни барқарор ривожлантириши таъминлаш учун таълимга йўналтирилиши зарур бўлган инвестициялар миқдори бўйича тегишли тавсияларидан, яъни 6-7 фоиздан қарийб 2 баробар кўлдири. Соғлом она ва бола — мамлакатимиз таянчи. Соғлом халқ, соғлом миллат буюк ишларга қодир бўлади. Сўнги ўн йилда даволаш-профилактика муассасаларини модернизация қилиши ва энг замонавий ускуналар билан жиҳозлаш учун 750 миллион АҚШ долларидан зиёд маблағ йўналтирилди. "Она ва бола скрининги" дастури амалга оширилиши натижасида турма нуқсонли болалар туғилиши 2000 йилдан буюн 1,8 марта камайди. 2016 йилнинг Ўзбекистон Республикасида "Соғлом она ва бола йили" деб эълон қилингани ҳам бу соҳага эътиборифодасидир. Бугунги кунда мамлакатимиз болаларининг 92 фоизи ривожланиш кўрсаткичлари бўйича Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига тўла мос келади. "Save the children" халқаро ташкилоти рейтингига кўра, Ўзбекистон дунёдаги

**Тўлқин ТҲУТАСИНОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Тошкент олий ҳарбий-техник билим юрти махсус фанлар кафедраси ўқитувчиси

болалар саломатлиги тўғрисида энг кўп гамхўрлик кўрсатадиган ўрта мамлакат қаторидан жой олди.

Мустақиллик туйғали биз ўзлимизни англадик, озод халқ, мустақил давлат сифатида Ўзбекистоннинг улкан салоҳиятини бутун дунёга намойиш этиш имкони вужудга келди. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳамон давом этаётганига қарамаддан, ялпи ички маҳсулот 8 фоиз, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8 фоиз, кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари қарийб 7 фоиз, қурилиш-монтаж ишлари ҳажми салкам 18 фоизга ошди. Халқаро миқёсда катта нуфузга эга бўлган Жаҳон иқтисодий форуми рейтингига кўра, Ўзбекистон 2014-2015 йиллардаги ривожланиш яқунлари ва 2016-2017 йилларда иқтисодий ўсиш прогноزلари бўйича дунёдаги энг тез ривожланаётган бешта мамлакат қаторидан жой олгани, албатта, барчамизни қувонтиради. Бундай ютуқлар Президентимиз Ислоом Каримовнинг йирик жамоат арбоби ва моҳир сиёсатчи, бунёдкор ва ташкилотчи, катта тажрибага эга амалиётчи ва теран назарли энг тегишли сифатида олиб борган ислохотларининг ижобий натижасидир десак, янглишмаган бўламиз.

Озод ва эркин ҳаёт шарофати билан бизни жаҳон таниди, халқимизнинг фидоқорона меҳнати, ёшларимизнинг ғайрати, азму шижоати ила Ватанимизнинг шон-шухрати олам узр янада кенгроқ ёйилмоқда. Ўзбекистонда сиёсий барқарорлик, тинчлик ва миллатлараро тотувлик сақланиб қолаётганидан фахрланиш билан биргаликда, элим деб, юртим деб ёниб яшаш мустақиллигимизни янада мустақкамлаш, буюк келажак, озод ва фаровон ҳаёт давомиёлигини таъминлаш мақсадида матонат ва қатъийлик билан курашмоғимиз лозимлигини англаб етмоғимиз даркор.

Ҳуқуқий билимга эга бўлган ҳар бир фуқаро ўз манфаатларини ҳимоя қилишда қонунларга таяниб иш кўради ва қонун билан юклатилган бурчини ҳам эсдан чиқармайди. Қонунларга таянган киши ҳаётда ҳеч қачон қоқилмайди. Ундан четга чиқши эса кишини боши берк кўчага етаклайди.

## Эҳтиётсизлик оқибати

Сардорбек ТЎЛКИНОВ,

Чилонзор туман прокуратураси терговчиси

Жорий йилнинг 19 январь куни соат 19:00ларда "Nexia" русумли автомашинани бошқараётган Ботир Хидиров (исм-фамилиялар ўзгартirilган) пойтахтимиз кўчаларида ҳаракатланар экан, йўл ҳаракати қоидалари талабларини бузиб, пидедалар, айникса, қарияларга нисбатан эҳтиёткорлик чораларини кўрмасдан, ҳаракатнинг серқатновлигини, транспорт воситаси ва юнги хусусияти ва ҳолатини, йўл ва об-ҳаво шароитини, шунингдек, ҳаракатланмиш йўналишидаги кўринишнинг ҳисобга олмайди. Натижада у пенсиядаги фуқаро Асқар Улашевни уриб юборади. Табиийки, йўл-транспорт ҳодисаси содир этган шахс, аввало, жабрланувчига биринчи тиббий ёрдам кўрсатиши керак. Бироқ Ботир Хидиров Асқар Улашевга на ўзи ёрдам кўрсади, на унга "Тез тиббий ёрдам"ни чақиради. Афсусланарлики, ҳайдовчи воқеа жойидан яширинади. Агар даражада тан жароҳати олган Асқар Улашев эса 5 февраль куни Республика шойлининг тез тиббий ёрдам илмий Марказида вафот этади.

Ушбу хатти-ҳаракатининг оқибатини яхши билган Ботир Хидиров отасига кўнгирак қилиб, уни чақириб олади. Отаси уни уйига жўнатиб юборади ва ўзи ички ишлар идораларига йўл-транспорт ҳодисасини содир этганлиги ҳақида хабар беради. Уйига етиб борган Ботир Хидиров бу қилмиши жиноят устига жиноят эканини ўйлаб, барча айбига иқдор бўлади ва бу ҳақда ички ишлар идорасига маълум қилади. Ушбу ҳодисани отаси эмас, балки ўзи содир этганини, у билан келишиб, шундай кўрсатув беришга қарор қилганини, қилмишдан чин кўнгирдан пушаймонлигини айтиб, кечирим сўради.

Суд Ботир Хидировга нисбатан тегишли жазо тайинлаб, ҳукм чиқарди.



## Бепарволик келтирган фожиа

Лоқайдлик, бепарволик ҳоҳида қандай аянчли оқибатларга олиб келиши ҳақида баъзан бўлса-да, эшитиб қоламиз. Шунингдек, "Огоҳлик — давр талаби", "Ўз уйингни ўзинг асра" каби шиорлар ҳам бизни доимо сергак, огоҳ бўлишга бежиз чорламайди.

Асилбек ЮСУФБЕКОВ,  
Бир прокуратура бошқарма  
АМИБ терговчиси

Юнусобод туманидаги уйлардан бирининг эгаси квартирасини таъмирламоқчи бўлиб, усталарни ёллади. Усталарнинг уйи узок бўлгани боис, қатнаб ишлаш қийинчилик туғдирди ва Россияда истикомат қиладиган кўшнисини бўш турган квартирасини уларга вақтинча бериб турадиган бўлди. Кўп ўтмай, таъмирлаш ишлари тугади. Усталар ҳам бошқа жойдан иш олиб, жўнаб кетишди. Бўш уйнинг эгаси эса ўзининг Россияда уйи борлиги, қолаверса, акиси олдинроқ жиноят содир этиб қамалиб қолгани сабабли, бу ерни сотишга шойилмади. "Ким билсин, балки акам жазони ўтаб чиққач, бу ердан кетишни истамас. Ахир унга ҳам уй-жой керак-ку!" хаёлидан ўтказди у. Аммо уйига бошқа ижарачиларни кўймади.

Орадан кунлар, ойлар ўтди. Ўтган йилнинг ноябрь ойи бошларида ўша усталардан бири, аниқроғи, 1991 йилда туғилган Бобир Жамолов (исм-фамилиялар ўзгартirilган) ўзлари ишлаган уйнинг ёнида пайдо бўлди. Шериклари билан аллақачон бошқа бошқа бўлиб кетган, нима учундир уйдан ҳам бош олиб чиқиб кетганча тунаш учун жой қидириб, кўчаларда сандироқлаб юрган Бобир шу хонадонни эслаб қолган эди. "Таваккал", дея эшикни тақиллатди. Ҳеч ким йўқлигига амин бўлиб, балконнинг деразасини тортиб кўрган эди, очилди. Омади келганидан суюниб, шу заҳоти ичкарига шўнғиди.

Ичкарини кўздан кечиргач, ўзлари кетгандан бери ҳеч ким яшамаганига ишонч ҳосил қилди. Ҳаммаёқни титқилаб, кўча эшикнинг қалитини топди ва шу ерда яшагача қарор қилди.

Кўп ўтмай пулсизликдан қийнала

бошлади. Ўзини ортиқча уринтиришни хохламади-да, меҳмонхонада турган, қиймати 385 минг сўмлик "Panasonic" русумли телевизорни 70 минг сўмга сотиб юборди. Аммо бу пул бор-йўғи икки кунга етди, холос. Орадан бир неча кун ўтиб, "NORD" русумли музлатгични ҳам "Ўзимники", дея пуллади. Дарвоқе, нархи бор-йўғи 2 минг 810 сўмлик 3 дона тиш қопламалари ҳам унинг кўзига чиройли кўринди шекилли, тортмадан олиб, чўнтагига урди.

Агар уй эгаси келиб қолиб, унинг тинчини бузмаганда, ким билсин, Бобир хонадондаги бор нарсани сотиб бўлиб, уйни ҳам ёқиб юборармиди?!

Ухлас, ҳеч нарсадан хабари йўқ хонадон эгаси қалити билан эшикни очиб, ичкарига киргач, қўлидаги нарсаларни кўйиб, ётоқхонага йўналди. Бироқ, ўзининг ўрнида ётган бегона одамни кўриб, аввалига эси чиқиб кетаёзди. Шу заҳоти ўзини қўлга олиб, унинг оёқ-қўлларини босиб, қимлигини, бу ерда нима қилаётганини сўрай бошлади. Бобир бўлса жон ҳолатда ўрнидан туришига уриниб, қўлига тушган пичоқ билан ҳамла қилди. Бегона одамдан бундай қаршилиқни кутмаган, устига-устак, қўллари ва баданини пичоқ тилиб обдорган уй эгаси ундан нарсаларини олиб, ўзини ўлдирмасликни сўрай бошлади. Аммо унинг илтижолари бефойда эди. Бобир энди ўзини тўхта олмай, тепасидаги одамни обдон пичоқлади. Кейин яна ҳамла қилиб қолишдан чўчиб, тасма билан боғлаб қўйди. Шундоғам қонига беланиб, қимирлашга-да ҳоли қолмаган уй эгаси кўп ўтмай жон берди.

Бобир бироз ўзига келгач, мурда-нинг тепасига келди. Нафас олмаёт-

ганига ишонч ҳосил қилиб, унинг сумкаларини очиб кўрди. Сумканинг ичидаги "Ноутбук", 1 минг 115 АҚШ доллари, 1 минг 500 Россия рубли, 134 минг сўм пул, уяли телефон аппарати ҳамда турли ҳужжатларни кўриб, жойига қайтариб солди-да, соат эрталабки саккизларда эшикни қулфлаб, чиқиб кетди. Бир ҳафтадан сўнғ қотил қўлга олинди.

Бегона уйга ноқонуний кириб, у ердаги нарсаларни ўғирлаб сотишдан ташқари, уй эгасининг жонига ҳам қасд қилган ҳамма суд ҳукмига кўра, тегишли жазога маҳкум этилди. Бироқ сўнғги нуқтани кўйишдан олдин мақола аввалидаги бепарволик, лоқайдлик ҳақидаги фикрларга қайтсак. Кўриниб турибдики, ушбу фожиада ҳам бир инсон бепарволик қурбонига айланди, иккинчиси суднинг қора курсисидан ўрин олди. Ахир 25 яшар йигит уйдан арзиманган баҳона билан чиқиб кетса-ю, оила аъзолари, яқинлари унинг қаерда эканлиги билан қизиқишмасча, қидиришмасча?!

Ёки марҳумнинг қўни-қўшилари-чи? Унинг уйи бўш эканлигини, ҳеч ким яшамаганини наҳотки билишмасди? Бегона одам кириб-чиқиб юрганлигини қимдир кўрган-ку! Нега сўраб-сориштиришмади, бу ҳақда тегишли органларга, жуда бўлмаганда маҳалла фуқаролар йиғинига хабар қилишмади?! Бу иш ўзларининг бевосита вазифаларидан бири бўлган маҳалла фуқаролар йиғини мутасаддилари билан профилактика инспектори-чи?! Агар улардан бирортаси бепарволик қилмай, бегона одамнинг шахси билан, нима қилиб юргани билан қизиққанда, бу фожиа юз бермаган бўларди.

## Озодликни оғуға алмашганлар

Бугун дунё ҳамжамияти саноксиз инсонларнинг умрига зомин бўлаётган, миллионлаб хонадонларнинг тинчини бузаётган гиёҳванлик деб аталмиш иллатга қарши кўплаб чора-тадбирлар кўраётганига қарамай, бу турдаги жиноятлар ҳамон барҳам топаётгани йўқ.

Юртимизда бу иллатга қарши қураш, унинг ҳар қандай кўринишига барҳам бериш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан кескин чоралар кўрилмоқда. Бироқ мўмай даромад илнжида ҳар қандай қабих ишлардан ҳам ор қилмайдиган кимсалар ҳамон учраб турибди.

Хусусан, жиззахлик Эркин Зарипов ва Равшан Оқиловлар ҳам жиноий қилмишлари туфайли қўлга тушдилар. Еши эллиқдан ошаётган бу кимсалар содир этаётган хатти-ҳаракатларининг оқибатини тушуниб етмаслигига ҳеч ким ишонмайди. Улар бу ҳаракатларининг оқибатларини била туриб ўзларини "ўтга" уришди.

Э.Зарипов гиёҳванд ўсимликларни етиштириб, моддий манфаатдор бўлишни мақсад қилади. Шу ўйда ўз хонадонининг томоркасига таркибда гиёҳванлик моддаси бўлган ўсимликни экиб, парварош қилади.

У етиштирган "маҳсулот"нинг 1,54 граммини таниш Р.Оқиловга қорамоллари учун кунжарага алмаштиради. Рав-

Дилшод БАЙНАЗАРОВ,  
Жиззах вилоят прокуратураси  
бўлим бошлиғи

шан эса ўз навбатида фойдани кўзлаб, қўлидаги "гиёҳ"ни нотаниш шахсга пуллади.

Мўмай даромаднинг "ҳавосини олган" Равшан орадан бир неча кун ўтиб, Эркиндан 3,36 грамм "марихуана" ўсимлигини сотиб олиб, яна нотаниш кишига ўтказишни режалаштиради. Аммо бу сафар савдо амалга ошмади, улар ашёвий далил билан қўлга олинди.

Шундан сўнғ Р.Оқилов ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилиб, гиёҳванлик воситаси олди-сотдиси билан шугулланувчи Э.Зариповнинг жиноятини очишда амалий ёрдам бермоқчилигини айтади.

Ўтказилган тадбирда Э.Зарипов Равшанга уч донга қорғозга ўралган "марихуана" ўсимлигини қелишлани нарҳда сотаётганида қўлга олинди.

Тадбирда Э.Зариповнинг оғилхонасидан яна савдога тайёрлаб қўйилган "марихуана" гиёҳванлик воситаси топилди. Э.Зарипов ва Р.Оқилов содир этган жиноятлари туфайли суд ҳукмига кўра озодликдан маҳрум этилди. Энди улар умрининг бир неча йилини панжара ортида ўтказишади.

Чортоқлик Фарида Умарова (исм-фамилиялар ўзгартirilган) ушбу туманда жойлашган давлат архивда фонд сақловчиси вазифасида ишлаб келаётган эди.

## Сохта маълумотнома

Жавлон КАТТАХЎЖАЕВ,  
СВОЖДЛКК департаментининг Турақўрғон туман бўлими инспектори

2016 йил январь ойининг ўрталарида давлат архиви биносига кириб келган фуқаро Абдулла Тўраев ўз мудоаасининг бир учини Фаридага маълум қилиб, "кўмак" сўрайди. Пенсия ҳамфармасидагилар онасининг иш стажини пенсия тайинлаш учун камлик қилаётганини айтишади.

— Шунга... Онамининг иш стажини кўпайтириб беришининг иложи бўлса...

Абдулланинг бу гапидан кейин Фарида "гимирлаб қолди".

— Иложи бор... Онангиз саккиз йил далада ишлагани тўғрисида архив маълумотномасини тайёрласа бўлади, — деди у ва қўшиб қўйди. — Фақат озрок чиқими бор, 300 минг сўм.

— Ана шу маълумотномани ўн йил далада ишлаган, деб ҳам тайёрласа бўладими? — сўради Абдулла.

— Бўлади. Фақат... Бунинг учун қўкидан 100 олиб келасиз... Гап бир жойга қўйилиб, архив маълумотномаси 1 февраль кунига тайёр бўлиши айтилди.

Абдулла февраль ойининг иккинчи куни архив биносига кириб келаркан, фонд сақловчидан сохта маълумотномани қабул қилиб олди. Аниқроғи, ҳақиқий иш фаолиятига 6 йил-у 3 ойлик "стаж" ноқонуний тарзда қўшиб ёзилган эди. Абдулла ушбу маълумотнома эвазига Фаридага 100 АҚШ доллари эмас, балки 50 АҚШ доллари ҳамда 300 минг сўм олиб келганини айтиди. Сўнгра қора целлофанга ўралган пулларни унга тўтқазди. Фарида бу пуллар олиб, стол тортмасига бамаййхотир жойлашти.

Бироз вақт ўтар-ўтмас хонага ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари кириб келишди. Тортмага жойланган пуллар ашёвий далил сифатида олинди.

Суд Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддаларига асосан Фарида Умаровага нисбатан жазо тайинлади.

Ичкилик кишини не қўйларга солмайди. Ҳалоллиг-у поклик, инсофу диёнати касб қилганлари ҳам бир зумда беобрў қилиб, юзини шувут қилиши турган гап.

## Мастликдаги машмаша ёҳуд жиноятга етаклаган иллат



Шавкатжон РАҲИМОВ,  
Янгикўрғон туман  
прокуратураси терговчиси

Дарвоқе, шу ўринда бу ҳақдаги ибратли бир ривоятни келтириш ўринли. Қачонлардир яшаб ўтган бир солиҳ кишининг иши иблисга тушибди. У қанча курашмасин, шайтонга тенг келолмабди.

— Бир шартим бор, — дебди иблис солиҳга юзланиб. — Мен айтган учта ишдан бирини қиласан, сўнгра сенинг изминга юраман.

— Майли, шартларингни айт.

— Ҳов анави қулбада бир аёл яшайди. Бориб, ўша билан вақтичоглик қиласан...

— Асло! — дебди солиҳ ёвнинг юзига тарсаки туширгудек жаҳли чиқиб. — Мен Аллоҳ ҳаром қилган ишга қўл урмайман.

— Бўлмаса, унинг ўғлини ўлдириб кел, менга шу керак. У ёш, аммо эътиқодда сендан ҳам собит, доим менга халал беради.

— Бу айтганидан ундан-да оғир, одам ўлдириш мўминга хос эмас. Иблис бироз туриб қолибди.

— Учтинчи шартингни айт, — деб солиҳ унга юзланибди.

— Яхши, унда май ичмэ маст бўласан, кейин сен билан юзлашаман.

Солиҳ киши анча вақт ўйлаб ўтирибди. Кейин "майли, ҳар ҳолда бу одам ўлдириш ённки зино қилиш эмас-ку..." , дея бир кўза майни симирибди. Орадан бир муддат ўтиб, оёқлари уни иблис айтган қулба томон сурабди. Унга қарай чиққан навиҳол ўсмир билан олишиб, кўзлари янада қонга тўлибди ва унинг кўксига пичоқ санчиб, ичкарига йўналибди. Дод солиб чиққан аёлга зўрлик ишлатиб, мақсадига эришибди...

Қулбанинг ортида уни қузатиб турган иблис эса ҳар учала шартини бажарган ожиз устидан маза қилиб қўлибди.

Дарҳақиқат, бу ривоят юқордаги фикримизга исбот. Тинчлиги билан ишшани товлантирган "иблис суви" инсон танасига сингар экан, уни ўзи асло истамайдиган ҳолатларга солишга қодир кўнга айланади.

Турсунбек Боймуродов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) арзимас баҳоналар билан ичинни ўрганди-ю, унинг домига тушиб бораётганлигини ҳис этмади. На оиласи, на фарзандлари кўзига қуринар, рўзгордан сўзлаган аёлини ношукурликда айблашдан чарчамасди. 2003 йилда жиноят ишлари бўйича Янгикўрғон туман суди томонидан жинояти учун айбланиб, қора курсига ўтирибди. Давлатимиз томонидан унга имконият берилди. Уч йил муддатга озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилинган Т.Боймуродов амнистия актига асосан жазодан озод этилди. Аммо минг афсуски, у бу ишонччи оқлашни ўйламади ҳам. Яна ўз билганича яшашда давом этди. Ичкиликка ружу қўйди. Охир-оқибат яна жиноятга қўл урди...

Аслида у ўзгармоқчи эди. Туман марказига яхши ниятлар билан — иш гаплашгани тушганди. Таниш оғайниси билан масалани ижобий ҳал қилди.

— Фақат бир шартим бор. Ишга оламан, сен ичкиликни ташлайсан.

— Бўлди, ўзим ҳам зерикдим шу зормандадан, — дея сўз берган Турсунбек тушлик қилиш баҳонасида ошхонага кирди-ю, кўз таниш улфатларини кўрган захоти вадасини унутди.

— Ишга кираётган бўлсанг, демек, буни ювишинг керак экан...

"Шайтонга баҳона кўп", дейишди. Йигитлар ҳам ичиш учун қайта-қайта баҳоналарни топишаверди, топишаверди... Ҳар ким ўз кўчаси томон йўл олиши лозим бўлган бир паллада ҳам чайқала-чайқала бемақсад, бефикр, бошлари оққан тарафга равона бўлишди. Вақт шом бўлиб қолган, туман марказида сандироқлаб юрган Турсунбек Абдумалик Рустамовнинг йўлини тўсди.

— Илтмос, мен...ни уйимга ташлаб қўйсанг...гиз.

Табиийки, бундай хиралик ҳеч кимга ёқмайди. Абдумалик ҳам у деса у деб, бу деса бу деб, йўлидан қочмаган бу маст кимсадан "Ҳозир, масжидга кириб чиқай, кейин ташлаб қўяман", деди-ю кутулди. Аммо шохгани тўфайлими ё ҳаёли бўлиндими, машинани кулфлаш туғул, ҳатто калитини олишни ҳам ўйламай, юрганича масжидга кириб кетди.

Оёқда туриб толиққан Турсунбек машина ичига мўралаб, жойида турган калитга кўзи тушди-ю, қувониб кетди. Ҳеч иккиланмай машинага ўтирди-да, ўт олдириб қайдаб кетди.

Намоздан чиқиб машинасининг ўрнида йўқлигини кўрган Абдумалик дастлаб "бирон киши ҳазиллашдиммикан?", деган ўйда кутиб турди. Ярим соатлар чамаси вақт ўтгач, тоқати тоқ бўлиб, ишхонаси томон йўл олди. Яна бир соат ўтса ҳамки, ҳеч бир хабар ё дарак йўқ. Кўнглига хиралик тушиб, ўйга шошди.

— Машинани олиб келишмадимми?

— Йўқ... Вой, ким олиб келади, бу нима деганингиз?

Аёлининг шу гапи Абдумаликка етарли бўлди. Ортига қайтиб, яна машинасини қўйган жойга келди. "Балки олган жойига ташлаб кетгандир...", шугина илинж қолганди унинг кўнглида. Йўқ. Нима қиларини билмай боши қотган йигит туман ИИБга хабар қилишдан ўзга чора тополмади.

Тезкор-қидирув ишлари натижа бериб, машина топилди. Қувонарлиси, ғирт маст ҳолатда бўлган Т.Боймуродовнинг соғ-омон, бирон қор-ҳол юз бермасидан туриб ушланганилиги эди.

Жиноят учун жавобгарлик муқаррар. Аммо эл-юрт, маҳалла-кўй олдидagi шармисорлик, фарзандлар олдидagi хижолатпазлик-чи? Виждон олдидagi жавобгарлик-чи?

Кимгадир бир умрлик оғриқ бу. Кимгадир эса... Бизнинг чона муддаомиз "бирни қўриб фикр қил...", қабилида кимнингдир дилида озгина бўлса-да, яхшиликка йўл очидир.

## Фирибгарнинг жазоси

Бугунги кунда айрим фуқароларнинг соддалигидан фойдаланиб, уларни алаб, пул, бойлик рўзтиришга интилаётганлар учраб турибди. Абдусаттор Рўзиев ҳам ана шундай улабурунлардан экан.

Шавкат АЧИЛОВ,

Самарқанд туман прокурорининг катта ёрдамчиси

Дангасалиги сабабли, пулсизликдан қийналиб, иш излаб юрган бу кимса кунларнинг бирида маҳалладоши Эркинни учратиб қолди. Икковининг гапи қовушди, шекилли, суҳбат маҳалла чойхонасида давом этди.

— Озроқ йиғиб қўйганимиз бор эди, — деди Эркин суҳбат асосида. — Янгангиз билан маслаҳатлашиб, шу пулга "Damas" сотиб олсамки, деб юрибмиз.

— Яхши ўйлабсизлар, — деди Абдусаттор. — Бу "Damas" деганлари худаям нонтопар машина. Пулни йўқ қилиб қўймасдан машинани олинг.

— Шундайку-я, лекин қаердан, қандай олишни ўйлаб юрибман-да! Пул тўлагандан кейин ҳам навбат кутасиз, деишяпти, — деди Эркин.

— Бирор таниш бўлса, машинани тезроқ ола бўларкан.

Абдусатторнинг бу борада ҳеч қанақа таниши йўқ эди. Шундай бўлса-да, кўнисидага ёрдам бергиси келдимки, ҳарқалай "Бир суриштириб кўрай-чи, таниш-билиш топсам айтман", деди.

У бу ишга чин дилдан киришди. Машина олишда кимга, қаерга мурожаат қилиш кераклигини, умуман, барча йўл-йўриқларини билиб олди. Аммо "бу ишни ҳал қилиб бераман", дегувчи одам топилмади.

Шу зайл кунлар ўтаверди. Бир кун у Эркинни яна учратиб қолди.

— Ие, Абдусаттор, бормисан? — деди Эркин. — Қўрнмай кетдинг, машина нима бўлди? Сўраб-суриштирдинг-

ми, таниш-билиш топдингми?

Шу кунларда Абдусатторга пул жуда зарур эди. "Таваккал, шу пулни олиб, ишни битириб олай. Машина бўлса бўлар, бўлмаса, узримни айтиб, пулни қайтариб бераман", деган тўхтамага келганди.

— Мен сўраб-суриштирдим, — деди Абдусаттор. — Машина тўлови учун олдиндан 10 минг 500 доллар, ундан кейин навбатсиз олиш учун яна 1 минг 500 доллар "шапка" беришимиз керак экан, — деб танишини алдди.

— Маъқул, — деди Эркин. — Мен мол-ҳолни сотиб, пулни тўплайман.

Шундай қилиб, савдо пишди. Эркин пулни беришга, Абдусаттор эса машинани олиб беришга келишишди.

Орадан бироз вақт ўтгач, Эркин ишлагани Россияга кетадиган бўлди.

— Мен Россияга кетаяпман, — деди Абдусатторни уйига чақирган Эркин. — Пулни янгангандан олсан. Нима бўлгандаям, машинани тезлаштириб олиб бер. Сенга ишондим.

— Бемалол, хавотир олмай кетавер, — деди Абдусаттор. — Қайтиб келганимда, уйингда яп-янги машина турган бўлади.

Бир ойлардан кейин Абдусаттор Эркиннинг турмуш ўртоғи Лоладан машинага тўлов учун 8 минг 800, "шапка"сига 1 минг 500, қолган тўлови учун деб яна 1 минг 700 АҚШ доллари олиб кетди.

Шунча маблағни осонгина

## Қаноат деворига пурут етганда

Тақдирнинг ҳукми Фозилани (исм-фамилиялар ўзгартирилган) икки нафар фарзанини ёлғиз ўзи тарбиялаб, улгайтиришига мажбур қилди. Ижара пули, рўзгор, болаларини кийинтириш, барча-барчаси аёлининг зиммасида.

Бир неча кундан буён унга яхши яшаш иштиқидида пул топиш илжини тинчлик бермасди. Хатто кечалари уйкуси қочиб, ҳаловати йўқолди. Қиш кунларининг бирида шуларни ўйлаб турган Фозиланинг кўзи ойнадан унинг хонасига қараб келаётган ижарадош аёлга тушди. "Тинчликмикан? Ишқилиб, ҳолатимдан норози бўлиб келмаётганмикан?", деган хаёлда эшикни очди.

— Келинг, Гулюз опа, тинчликми?  
— Тинчлик. Бир маслаҳатли гапим бор эди. Биладан, пулга зориқиб юрибсиз. Ишлаш ниятингиз йўқми, шунга сўрамоқчи эдим.

— Вой, нега ундай дейсиз? Иш бўлса, албатта ишлардим.

— Иш бор. Фақат бу ердасиз, Дубайда.

— Дубайда?! Қанақа иш экан?

— Дубайда сиз учун фақат бир хил иш бор. У ҳам бўлса...

Фозила ўйлабди қолди. "Фаҳш иш қилганини яқинлари, фарзандлари эшитиб қолса-чи?! Бу шармандаликка қандай чидашади? Йўқ! Бу йўлга кирмаслигим керак!"

— Ҳозиргина ишлайман деб турувдингиз-ку?! Нега энди ўйлабди қолдингиз?

— Бирор эшитса...

— Россияга кетаяпман денг. Ҳеч ким билмайди.

Гулюз киракаш таниши Шохжаҳондан топган ушбу одами учун 100 АҚШ доллари олади. У томони билан иши йўқ эди.

Шохжаҳон Халилов "мижоз" топилганини эшитиб, хурсанд бўлди. Энди Русландан пул келса, "Спарк"ини таъмирлаб олади. Дубайга кетишга рози бўлган аёл-

қўлга киритган Абдусаттор пулларни ўз аҳтиёжига ишлатиб юборди. Лолага эса "Машина ҳал бўлаяпти, яқин кунларда олиб келамиз" деб, баҳона қилаверди.

Қишлоқ жойда гап тез тарқалади. "Абдусатторнинг автосалонда таниши бор экан. Машина олиб берамиш", деганлар кўпайди. Бу гапни эшитган унинг қўшини Шаҳрўз Рўзиев Абдусатторга учрашиб, "Damas" машинаси сотиб олишда ёрдам беришни сўради. Абдусаттор бу имкониятни қўлдан чиқармасликка қарор қилди. Қўшничлик ҳурмати ҳам эздан чиқди. Пул унинг кўзини "кўр" қилди.

— Бўлди! Гап йўқ, ёрдам бераман, — деди Абдусаттор.

У Шаҳрўрдан машина олиб беришни ваъда қилиб, аввал 7 минг, кейин яна 2 минг АҚШ долларини олиб кетди.

Аммо кунлар, ойлар ўтса-да ҳар икки машинадан дарақ бўлмади. Абдусатторнинг эса "булун-эрта"си тугамади. Алал-оқибат, алданганини англаб етган, кутавериб, тоқати тоқ бўлган жаҳланувчилар воқеа юзасидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ариза билан мурожаат қилишди.

Мазкур ҳолат бўйича суриштирув-тергов ишлари бошланди. Шундан сўнгра Абдусаттор олган пулларини қайтариб бериб, кечирим сўради.

Аммо қонун ҳамма учун баробар. Суд ҳукмига биноан Абдусаттор Рўзиев тегишли жазосини олди.

Жасур ТАНГРИЕВ,

Бухоро шаҳар прокурорининг ўринбосари

нинг кимлиги уни ҳам қизиқтирмайди. Ваъдасига мувофиқ Дубайдан келган пулнинг 300 АҚШ долларини ўзида сақлаб, қолган 200 долларини режа асосида тақсимлади.

Туни билан мижжа қоқмай, болаларига тикилиб чиққан Фозила: "Сенларни бировдан кам қилмай улгайтирсам дейман. Ўлсин... ҳаммаси бориб пулга такалади. Мажбурман, мени кечиринглар", деб кўнглидан ўтказиб турганда, такси ҳайдовчиси телефон қилиб қолди. Хуллас, "Карвонбўзор" бекатида Фозилани кутиб олган Шохжаҳон йўлга чиқди. Қирғизистон орқали Дубайга жўнатса, яна 200 АҚШ доллари келади. У кутаётган манфаат мана шу эди.

Қиджувонга етмай, машина бузилиб қолди. Бошқа автотомобилга ўтиришганда Фозиланинг юраги гашланди. "Балки бу йўлдан қайтсаммикан? Бормасаммикан?..."

"Сармижон" пост-патруль хизматидагилар машинага тўхташ ишорасини қилишди. Боси, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга "воситачи" Шохжаҳон Халилов ҳамда Гулюз Хайриеваларнинг ушбу қилмишлари ҳақида тегишли хабар келган эди. Бу эса Фозила Ҳабивованинг одамфурӯшлар тўридан кутулиб қолишига сабаб бўлди.

Агар ўз вақтида чора қўрилмаганда, воқеа бошқача тус олиб, Фозила Дубайга етиб бурганида нима бўларди? Албатта, аёлнинг ғурури топталарди. Юрта қайтиши амримаҳол бўларди. Қайтган тақдирда ҳам, фарзандлари олдида юзи қора бўларди.

# Илмий-амалий конференция

Кейинги йилларда жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши кураш самарадорлигини ошириш мақсадида прокуратура органлари бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан ҳамкорликка жиддий эътибор қаратмоқда.



миллий ва халқаро стандартлар" мавзусида илмий-амалий конференция ўтказилди.

Унда Бош прокуратура, Бош прокуратуранинг Олий ўқув курслари, СВОЖДЛКК департаменти, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги,

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Тошкент давлат юридик университети, Олий ҳарбий божхона институти ва Ички ишлар вазирлиги Академияси ходимлари иштирок этди.

Конференция доирасида Ўзбекистоннинг жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш борасида олиб бораётган қатъий сиёсатининг мазмун-моҳияти, миллий ва халқаро қонунчилик асослари, бу турдаги жиноятларнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминалогик жиҳатлари, кредит ташкилотларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат тизимини ташкил этиш, терроризмни молиялаштиришга

**Бахтиёр АХУНОВ,**  
Бош прокуратуранинг ОЎК  
кафедра бошлиғи вазифасини бажарувчи

қарши курашишда тезкор-қидирув тадбирларининг аҳамияти, шунингдек, жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашда тезкор-қидирув фаолиятининг айрим йўналишларини такомиллаштиришнинг аҳамияти каби масалаларга ўхшатиб ўтилди.

Тадбир иштирокчилари жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришнинг олдини олиш ҳамда унга қарши курашиш борасида ўз таклифларини билдиришди.

Конференция якуни бўйича тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Х**усусан, шу йилнинг 22 август кунини Бош прокуратуранинг Олий ўқув курслари томонидан СВОЖДЛКК департаменти билан ҳамкорликда Бош прокуратуранинг Қонунчилик ижроси ўстидан назорат Бош бошқармасида "Жиноий даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши кураш:

## Халқаро ҳаёт



## Антарктиданинг мовий кўллари

Шарқий-Антарктиданинг музли қалқонида кўплаб мовий кўллар пайдо бўлмоқда. Уларнинг биринчиси Лангхова музигида кузатиغان. Бу ҳолат олимларнинг хавотирларига сабаб бўлаётти. Чунки шу каби жараёнлар Гренландияда анчадан буюн кузатилаётган эди, деб ёзмада "Gizmodo Geophysical Research Letters" журнали.

Аниқланишича, ушбу музусту кўллари — эриган музлардан ҳосил бўлган "сув ҳавзалари" бўлиб, ёзнинг иссиқ ҳарорати тўғрисида пайдо бўлган. Бундай ҳолат аллақачон Гренландия музликларига қайд этилган эди. Олимларнинг таъкидлашича, мазкур кўллар глобал иқлим ўзгариши аломати ҳисобланиб, муз қояларнинг аста-секинлик билан эриб бораётганини аниқлатади. Дастлабки эришдан ҳосил бўлган озгина миқдордаги сув кейинчалик катта-катта муз қояларнинг орасига сизиб, унинг асосини эритиши ва катта сув ҳавзалари ташкил бўлишига сабаб бўлади. Ана шу жараён Гренландияда 2011-2014 йилларда содир бўлган эди. Унинг натижасида оролда салкам триллион тонна сув йиғилган.

Эндиликда бу каби ҳолат Жанубий кутбда ҳам содир бўлмоқда. Таъкидланишича, Жанубий кутб музликлари барқарор ҳисобланар эди. Антарктидадаги муз кўллари олимлар хавотирига сабаб бўлаётган омиллардан бири шундаки, Жанубий кутб муз захираси Гренландияникига қараганда жуда кўлдир. Унинг эриши эса Ер сайёрасидаги денгиз сатҳининг жуда тез кўтарилишига сабаб бўлади. Бу ўз навбатида инсоният учун серталопат табиий офатларни келтириб чиқариши мумкин.



## Фирибгар фош қилинди

Тибет ҳукумати ўзини Будада деб атаб, истовчиларга 300 минг юан (45 минг доллар) эвазига реинкарнация (руҳнинг бошқа танага ўтиши) курсини таклиф қилган фирибгарни фош қилди. Бу ҳақда "The South China Morning Post" нашри хабар берган.

Фирибгар ўзини оммага руҳи еттинчи марта бошқа танага ўтган, деб таништирган. Қаллоб интернетдан фойдаланувчилар орасида жуда машҳур бўлиб, унинг маҳаллий "Weibo" ижтимоий тармоғида 80 мингта обуначиси бўлган. Бироқ унинг фирибгарлиги мамлакат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари томонидан фош этилди.

Британиялик аёл 10 йилдан ортиқ вақт давомида ўз фарзандларини бемор ролин уйнашга мажбур қилган. Маълум бўлишича, она болаларини атайин жарроҳлик столига етаклаган. Мазкур хабар "Die Welt" нашри томонидан оммага маълум қилинди. Аёл шу йўл билан 100 минг евродан ортиқ пул ишлаб олган.

## Бесабаб жарроҳлик



Лондон шаҳрида истижкомат қилувчи 48 ёшли бу аёл давлатдан мунтазам ёрдам пули олиб туриш учун 10 йилдан ортиқ вақт давомида ўғлини астма касаллиги, қизини эса ошқозонидаги оғриқлар безовта қилиши ҳақида ёлғон маълумот бериб келган.

Айниқса, аёлнинг қизи бир неча мартаба шифокорлар томонидан жарроҳлик столига ётқизилган. Чунки она мунтазам равишда унинг овқат ҳазм қилишида муаммолар борлигидан шикоят қилар эди.

Судланувчининг ўғлига стероидлар ёрдамида даволаниш муолажалари белгиланган. Мақтаб маъмурияти боланинг астма касаллиги борлиги ҳақидаги маълумотни тасдиқламагани боис, у онасининг қистови билан ўзини аутизм касалигига солишга ҳаракат қилган.

Шифохона маълумотларига асосланган аёл даволаниш муолажалари учун давлатдан тахминан 100 минг евро олган. Унинг уйдан ёрдам сифатида олинган, 160 минг еврога баҳоланган дори воситалари топилган.

Суд британиялик аёлга етти ярим йиллик қамоқ жазосини тайинлади.



## Қиёфасини ўзгартирган оғуфтуруш

АҚШда қилдирилаётган оғуфтуруш полиция таъқибидан қочиш мақсадида чол қиёфасига кириб олган. Жиноятчи қисман бунинг улдасидан чиққан ҳам.

Грим шунчалик омалди бўлганки, полициячилар жиноятчи билан суҳбатлашишганига қарамай, уни дарров таний олишмаган.

Жиноятчи Шон Миллернинг уйига келиб, останада 31 ёшли эркек ўрнида қари чолга рўпара бўлган полициячилар аввалга бироз эсанкираб қолган. Кейинроқ эса ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари чол қиёфасининг ортда аслида ким турганини сезиб қолишган.

Жиноятчининг уйи тинтув қилинганди, у ерда иккита ўқотар қурол ва 30 минг АҚШ доллари борлиги аниқланган.

## Мустаҳкам бетон яратилди

Бетон энг кенг тарқалган қурилиш маҳсулотларидан бири бўлса-да, унга вақт ўз таъсирини ўткази олади. Яъни йиллар ўтгани сайин қуйилган бетон жуда ҳам қуриб кетади ва ўз мустаҳкамлигини йўқотади. Натижада кучли босим остида синиши мумкин. Сингапурнинг Наньян технология университети олимлари бу қурилиш шёсисини қандай қилиб мустаҳкамлашни ўйлаб топишди ва уни эгилувчан қилишга муваффақ бўлишди.

Одатда бетон цемент, шағал, қум ва сув аралашмасидан яратилади. Сингапурлик олимлар ўйлаб топган бетон таркибига яна бир компонент қўшилди. Бу полимер микропеллардир. Улар инсон сочидан юпқа, лекин бетонга қўшилганда уни мустаҳкамлаш хусусиятига эга.

Маҳсулот яратувчиларнинг сўзларига кўра, янги қурилиш маҳсулоти металл каби эгилувчан ва оддий бетонга нисбатан камида икки карра кўп юкни кўтаришга қодир.

Айни вақт янги маҳсулот фақат лабораторияда синовдан ўтказилган. Унда оддий стол ўлчамидидаги плиталардан фойдаланилган. Янги маҳсулотнинг мустаҳкамлик даражаси уч йил давомида синалиши белгиланди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

## Ўтганларнинг охираати обод бўлсин

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ва Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази прокуратура фахрийси

**Николай КУЗНЕЦОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик ихор қилади.



# Олимпиадачиларимиздан байрамга муносиб совға



Давоми. Бошланиши 1-бетда/

**Д**авлатимиз томонидан ёшларга, спортга берилган эътибор, ғамхўрлик, яратилган шарт-шароитлардан унумли фойдаланиб, ўзларини спортга бахшида қилишди. Бугун эса ана шу эътибор ва меҳнатлар ўз самарасини бериб, энг нуфузли мусобақада юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишди.

Рио олимпиадасида Ҳасанбой Дўстматов, Шаҳобиддин Зоиров, Фазлиддин Ғоибназаров, Шаҳрам Ғиёсов, Бектемир Мелиқўзиев, Муроджон Аҳмадалиев ва Рустам Тулаганов каби боксчиларимиз мусобақа медалларига эга чиқиб, спортнинг бу турида пешқадамлик қилиб келган кубаликларни ҳам ортада қолдириб, 3 та олтин, 2 та кумуш ва 2 та бронзани қўлга киритишди. Бу эса бокс бўйича иштирок этган барча мамлакатлар орасида энг яхши натижадир. Ўзбекистон термасидан кейин бокс мактаби кучли ҳисобланган Куба термаси жой эгаллади — 3 та олтин ва 3 та бронза. Учинчи ўриндан Франция термаси жой олди — 2 та олтин, 2 та кумуш ва 2 та бронза.

Рио-2016 Олимпиадасида терма жамоамизга биринчи олтин медални келтирган боксчимиз Ҳасанбой Дўстматов фақат олтин медал билан нақлини қолмади. У мусобақа якунида ташкилотчилар томонидан Вэла Баркер кубогига лойиқ кўрилди.

Маълумот учун эслатиб ўтамиз, Вэла Баркер кубоги 1936 йилдан буён олимпиаданинг энг яхши техникали боксчисига топшириладиган совриндир.

Ҳасанбойдан кейин финалда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритган боксчимиз Шаҳрам Ғиёсов нафақат ўз жанглари, балки ўзига хос характери билан ҳам бутун дунё эътиборига тушди. Финалгача жуда кучли боксчиларни таслим қилган Шаҳрам галабасини ҳозирги кунда дунёнинг энг кучли икки футболчисидан бири бўлмиш Криштиану Роналду услубида нишонлаб, футбол оламида ном таратган наشرларнинг нигоҳини ҳам ўзига қарата олди.

Олимпиада ўйинларининг сўнги кунинда финал жангларидан рингга кўтарилган икки нафар боксчимиз — Шаҳобиддин Зоиров ва Фазлиддин Ғоибназаровлар қандай ҳақонли ва муросасиз бахсларда галаба қозониб, бутун ўзбек халқини хушнуд этишди. Мазкур натижалар Ўзбекистон бокс мактаби нақадар кучли ва тажрибали эканидан далолатдир.

Спортнинг оғир атлетика тури бўйича ўтказилган беллашувларда вазни 105 кг. гача бўлган спортчилар баҳсида ҳамюртимиз Руслан Нуриддинов ғолиблик учун кураш олиб борди.

Тан олиш лозим, Руслан олимпия ўйинларида чемпионликка асосий даввогарлардан бири сифатида кўри-

учинчи ўриндан жой олди. Хитойлик спортчилар 26 та олтин, 18 та кумуш, 26 та бронза медалини қўлга киритишди. Олимпиадада жами 59 та давлат терма жамоалари камида битта олтин медалга сазовор бўлишди. 73 та терма жамоа ҳисобида эса камида биттадан кумуш медал бор, 87 та мамлакат терма жамоаси эса камида биттадан бронза медалига эга бўлди.

Умуман олганда, Рио олимпиадаси ўзбек спорти тарихида янги саҳифани очиб берди. Муваффақиятлар салмоғи ҳам анчагина ошди. Албатта, бундай натижалар ўзидан бўлиб қолгани йўқ. Буларнинг барчаси мамлакатимизда спортга давлатимиз ва шахсан Ўртбошимиз томонидан кўрсатилаётган алоҳида ғамхўрлик самарасидир. Сўнги йилларда Ўзбекистонда спортни янада ривожлантириш, болалар спортга эътиборни кучайтириш, спортчиларнинг бўлажак Олимпия ва Паралимпия ўйинларига муносиб тайёргарлик кўришларини таъминлаш борасида бир қатор фармон ва қарорлар эълон қилинди. Ана шу эзгу мақсад йўлида жуда катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилди. Бугун эса ана шу қилинган меҳнатлар самарасини спортчиларимиз эришаётган натижалар мисолида кўрмоқдамиз.

Рио олимпиадасида иштирок этган спортчиларимиз кўрсатган натижалари билан Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 25 йиллиги байрамига муносиб совға тайёрлашди. Озод юртимиз фарзандларидан кейинги олимпия ўйинларида бундан-да юксакроқ натижаларни кутиб қоламиз.

**Мақсудали ҚАМБАРОВ,**  
«Huquq»

**Ўзбекистон Олимпиадага 70 нафар спортчи билан йўл олди. Бу борада Ўзбекистон дунё бўйича 41-ўринни эгаллади.**

Осиё қитъаси бўйича олалиган бўлсак, Ўзбекистон Хитой (413 нафар), Япония (338 нафар), Жанубий Корея (205 нафар), Ҳиндистон (124 нафар) ва Қозоғистондан (104 нафар) кейин 5-ўриндан жой олди. МДҲда Россия (282 нафар), Украина (203 нафар), Беларуссия (121 нафар) ва Қозоғистондан (104 нафар) кейин 4-ўрин.


Медаллар ҳақида тўхталалиган бўлсак, 4 та олтин, 2 та кумуш ва 7 та бронза медалини ютган Ватанимиз спортчилари дунё бўйича 21-ўринни эгаллади. Биздан кўпроқ спортчиси иштирок этган Қозоғистон (104 спортчи) 22-ўрин, Колумбия (147 спортчи) 23-ўрин, Швейцария (104 спортчи) 24-ўрин, Греция (95 спортчи) 26-ўрин, Аргентина (213 спортчи) 27-ўрин, Дания (122 спортчи) 28-ўрин, Швеция (152 спортчи) 29-ўрин, ЖАР (137 спортчи) 30-ўрин, Украина (203 спортчи) 31-ўрин, Сербия (104 спортчи) 32-ўрин, Польша (243 спортчи) 33-ўрин, Беларуссия (121 спортчи) 40-ўрин, Туркия (103 спортчи) 41-ўрин, Чехия (105 спортчи) 43-ўрин, Руминия (97 спортчи) 47-ўрин, Мексика (125 спортчи) 61-ўрин, Венесуэла (87 спортчи) 66-ўрин, Ҳиндистон (124 спортчи) 68-ўрин, Миср (120 спортчи) 75-ўрин, Австрия (71 спортчи) 78-ўрин, Нигерия (75 спортчи) 83-ўрин ва Португалия (92 спортчи) 84-ўринни эгаллаб, вакиллариимиздан ортада қолишди. Бундан кўриниб турибдики, Рио-2016да Ўзбекистондан кўпроқ спортчига эга бўлган 22 мамлакат рейтингда мамлакатимиз спортчиларидан кейинги ўринларни эгаллади.

Осиё қитъасида Ўзбекистон Хитой, Япония ва Жанубий Кореядан кейинги 4-ўринни банд этди. Қитъамиз вакиллари Ҳиндистон ва Қозоғистон бизнинг спортчилардан сон бўйича кўпроқни ташкил этган бўлсалар-да, рейтингда орқада қолишди.

Марказий Осиёнинг биринчи рақамли жамоаси Ўзбекистон бўлди. МДҲда эса Россиядан кейинги иккинчи жамоа бўлди.

лаётганди ва беллашувлар якунига кўра ҳамюртимиз беҳизга даввогарлар қаторида зикр этилмаганини амалда исботлай олди. У даст кўтаришда 194, силтаб кўтаришда 237 кг. оғирликни бўйсундириб, олимпия ўйинларининг олтин медалига сазовор бўлди. Эътиборлиси, Руслан силтаб кўтаришда олимпия ўйинлари рекордини янгилашга эришди. Бу эса унинг муваффақияти салмоғини янада ошириб юборди.

Рио якунида барчаси сарҳисоб қилинди. Медаллар жағариш бўйича АҚШ терма жамоасига етадиган мамлакат топилмади. Америкаликлар жами 121 та медални қўлга киритишди. Шулардан 46 таси олтин, 37 таси кумуш, 38 таси бронза медалларидир. Иккинчи ўринни Буюк Британия терма жамоаси банд этди. Уларнинг умумий медаллари сони 67 тани ташкил қилди. Олтин медаллар сони 27 та, кумуш 23 та, бронза эса 17 тадан иборат. Хитой терма жамоаси





## Ипотека банк

жамоаси

ватандошларимизни энг азиз  
байрам – Истиклолимизнинг

кутлуғ **25** йиллиги

билан самимий

муваффақият этади.



Хизматлар лицензияланган

## Qishloq Qurilish Bank

Барча юртдошларимизни мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллик байрами билан чин дилдан табриқлаймиз! Сизларга мустаҳкам соғлиқ, оилавий хотиржамлик, куч-қувват, шунингдек, Ватанимизнинг тараққиёти ва фаровонлиги йўлидаги бунёдкорлик ишларида янгидан-янги муваффақиятлар тилаймиз. Фурсатдан фойдаланиб Сизларга янги омонат турларини таклиф этамиз.

### Миллий валютада:

“Мустақил юртим” – омонатга маблағлар 3 ойга қабул қилинади.

Омонатга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда  
ёки омонат муддати тугагандан сўнг тўлаб берилади.

### Хорижий валютада:

“Комфорт” – омонатга маблағлар 1 ойга қабул қилинади.

Омонатга маблағлар АҚШ долларларида қабул қилинади, фоизлар  
ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

**Қуйидаги омонат турлари намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жойларни олувчи фуқароларни қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий қилинган:**

“Мадад” – маблағлар 1 йилдан кам бўлмаган муддатга қабул қилинади;

“Қурилишга бошланғич бадал” – муддати – 1 йил.

### Сизнинг омонатингиз:

- солиқ ва мажбурий тўловлардан озод!
- эғалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!

Сизнинг омонатларингиз Фуқароларнинг  
банклардаги омонатларини кафолатлаш  
фонди томонидан кафолатланади.  
Мурожаат учун:  
(+99871) 150-72-58, 150-39-93,  
[www.qqb.uz](http://www.qqb.uz)

**Қишлоқ қурилиш банк – фаровон ҳаётингиз хизматида!**

Хизматлар лицензияланган

**Huquq**  
yuridik gazeta

Muassis:  
**O'zbekiston  
Respublikasi  
Bosh  
prokuraturasi**

Bosh muharrir:

**Jahongir MAKSUMOV**

Tahrir hay'ati:

Hakimboy HALIMOV | Baxtiyor NAZAROV  
Gulnoza RAHIMOVA | (Bosh muharrir o'rinbosari)  
Kamoliddin ASQAROV  
(mas'ul kotib)

Tahririyat manzili:

Toshkent shahri, Yahyo  
G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 233-98-40,  
Faks: 233-10-53,  
233-64-85

E-mail:  
[huquq@huquq-gazeta.uz](mailto:huquq@huquq-gazeta.uz)

Gazeta haftaning payshanba kuni chiqadi.  
Sotuvda kelishilgan narxda

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqdir  
qilinmaydi va egalariга qaytarilmaydi.  
Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan  
farqlanishi mumkin.  
«HUQUQ» materiallarini ko'chirib  
bosish faqat tahririyat ruxsati bilan  
amalgа oshiriladi.  
☐ – tijorat materiali.  
Reklama materiallarining mazmuni  
uchun tahririyat javobgar emas.

Nashr ko'rsatkichi  
**231**

Buyurtma s-6825. 38 453 nusxada bosildi.  
Qo'g'oz bichimi A-3, hajmi 3 bosma toboq.  
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va  
sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.  
Navbatchi muharrir: O'.DEHQONOV  
Sahifalovchi: S.BABAJANOV  
Navbatchi: O'.DEHQONOV  
Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.  
Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta «O'zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etiladi.  
Korxonа manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Gazeta O'zbekiston  
Respublikasi matbuot va  
axborot agentligida 2009-yil  
12-oktabrda 0188-raqam  
bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-7617



9 772010 761004